«Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир»

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 8-mart, payshanba ✱ № 10 (762) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал диёримизга барчамиз соғиниб кутган баҳор нафаси кириб келаётган мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан қизғин табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий туйғу ва тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барчамизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Бунинг тасдиғини тарихимизда, ҳаётимизда, мумтоз адабиётимизда кўплаб мисолларда яққол кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган сўзлари замирида нақадар чуқур ҳаётий фалсафа мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси, аввало, оналаримиздандир. Дунёда муқаддас деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир. Шу боис токи ҳаёт бор экан, инсон мўътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг кўнглимизда, дилимизда бўлган бир фикрни таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Биз сизларни — меҳрибон ва мунис аёлларимизни ҳамиша фидойилик, вафо ва садоқат, нафосат ва латофат тимсоли сифатида улуғлаб келамиз ва умрбод сизлардан миннатдор бўлиб яшаймиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сизларга яхши маълумки, мен ўзимнинг чиқишларимда, амалий ишларимда хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш масаласига жуда катта эътибор бериб келаман. Она диёримизда яшаётган барча аёлларни дунёдаги энг гўзал ва меҳрибон аёллар деб, Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб, доимо чин қалбдан, юракдан билдирадиган самимий сўзларимни юртимиз ўғлонларининг фикри сифатида, аёл зотига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва севги изҳори сифатида қабул қилишингизни истардим.

Мустақил тараққиёт йўлида бошимизга оғир синов ва қийинчиликлар тушган машаққатли даврда айнан сиз, аёлларнинг меҳнаткашлик ва шукроналик, чидам ва сабр-бардош каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, эл-юртимизда тинчлик ва осойишталикни, жамиятимизда меҳр-оқибат ва аҳиллик муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда, бугунги мана шундай ёруғ кунларга, бутун дунё тан олаётган марраларга етиб келишда сиз, азизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини мен ҳеч қачон унутмайман ва бу ҳақда доимо миннатдорлик билан такрор ва такрор гапиришга тайёрман.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак ҳурмат-эътибор ва ғамхўрликнинг амалий исботи сифатида кейинги йилларда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шулар қаторида Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Она ва бола, Обод маҳалла, Сиҳат-саломатлик, Баркамол авлод йиллари муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари, кўплаб фармон ва қарорлар айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ана шундай ҳаракатларимизнинг яққол ифодасини ҳозирги вақтда қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб, бозор ва дўконларимиз, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлиб бораётганида, айтиш керакки, аёлларимиз ўзларининг нозик елкаларида кўтариб келаётган кундалик ташвишларни енгил қилиш борасидаги ишларимизда, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги, турмуш маданияти юксалаётганида кўриш мумкин ва буларнинг барчаси шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосили ва самарасини бераётгани, айниқса, эътиборлидир.

Юртимиздаги ҳар қайси отаона, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом наслни вояга етказишда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида барча ҳудудларимизда перинатал ва скрининг марказлари, минглаб қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилгани, ихтисослаштирилган шифохоналар ҳамда шошилинч тиббий ёрдам хизматидан иборат замонавий тизим яратилгани аҳолимизнинг, биринчи навбатда аёлларимизнинг саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида қўйилган тарихий қадам бўлди.

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик йилларида оналар ва болалар ўлими 3 марта камайгани, аёлларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 75 ёшга кўтарилгани, ҳеч шубҳасиз, айнан ана шундай амалий ҳаракатларимизнинг самараси, десак, хато бўлмайди.

Кейинги пайтда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманларда соғлиқни сақлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим-тарбия соҳаларида биз қўлга киритаётган улкан натижалар дунёдаги кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланиб, ибрат сифатида эътироф этилгани сизларга яхши маълум, албатта. Биз эришган бундай ютуқлар негизида аввалambор сиз, жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг билим ва тажрибаси, машаққатли меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ҳурматли ватандошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг асосий мезони, аввало, оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигида намоён бўлади.

Шу маънода, 2012 йилнинг юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" деган инсонпарвар тамойилни ҳаётимизда қарор топтиришда, ҳеч шубҳасиз, янги, юксак бир босқич бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, яқинда биз бу борада кенг миқёсдаги амалий тадбирларни ўз ичига олган давлат дастурини тасдиқладик. Ушбу дастур ижросини таъминлаш учун 1 триллион 500 миллиард сўмга яқин ва 114 миллион доллар миқдоридаги кенг кўламли маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фаол иштироки талаб этилишини барчамиз яхши тушунамиз. **Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оилани ҳақиқатан ҳам мустаҳкам оила қилиш, уни том маънода жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантиришда хонадонларимизнинг чироғи, кўрки ва файзи бўлган сиз, ҳурматли аёлларнинг ўрни ва таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди ва бу вазифаларни адо этишда мен сизларга, сизларнинг улкан салоҳиятингизга ишонаман.**

Муҳтарам юртдошлар!

Биз мустақил тараққиёт йилларида — тарихан қисқа бир даврда беқиёс ютуқ ва марраларга эришдик. Биз қўлга киритган юксак натижаларни дунё тан олди. Энг муҳими — юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланиб бормоқда.

Биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли улкан мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш вазифаси барчамиздан бирдамликни, бир ёқадан бош чиқариб, ўзимизни аямасдан, астойдил меҳнат қилишни талаб этади ва бу борада мен олижаноб, бағрикенг халқимизни, сиз, муҳтарама аёлларимизни бундан буён ҳам ўзимнинг энг яқин маслақдошим, таянчим ва суянчим, деб биламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Оила чиройи ва чароғбони

"Туркистон" саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди

Юртимизда баҳор нафаси сезила бошлаган айни кезларда гўзал аёлларимиз байрами — Халқаро хотин-қизлар кунининг нишонланиши ўзгача мазмун-моҳият касб этади. Бу айём, азиз аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнига мос равишда, катта шоду хуррамлик билан кенг нишонланади.

Мустақиллик майдонида қад ростлаган ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи — Бахтиёр она ҳайкали юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигининг, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

7 март куни хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар ушбу монумент пойига гуллар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, нуроний онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятларини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг ижроси хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

2 »

✔ Тадбир

МАТБУОТ ЭЗГУ ИШЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Фарғона шаҳрида мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар" мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, етакчи ижодий ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари ОАВ соҳасида истиқболда турган муҳим вазифаларга қаратилган чуқур таҳлилий маърузалар, қонун ҳужжатлари ва уларни такомиллаштиришга бағишланган фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишдилар. Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев анжуман очилишида бундай амалий конференцияларнинг мамлакатимиз ҳудудларида мунтазам ўтказиб келинаётгани, хусусан, Фарғона водийси ОАВ ходимлари иштирокидаги мазкур йиғилиш ҳам муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги концептуал маърузаси — Концепцияда аниқ белгилаб берилган мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари олдида турган устувор вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

4 »

Қарор ва ижро

Журналистларни тайёрлаш:

тажриба ва амалиёт

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар, тажриба ва амалиёт» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда медиа соҳа раҳбарлари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ.Муҳамедов, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректори А.Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллий медиа соҳани ривожлантириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу жараёнда замонавий талаблар асосида журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос ўнга яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори медиа тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароит ва имкониятларни яратишда муҳим омил бўлаётир.

Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳақида халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида хабардор этишга, бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга тезкор, холис, ҳаққоний муносабат билдиришга қодир юқори малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим даргоҳларидан бири — Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини янгилаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан университет ҳузурида Олий журналистика курсининг фаолият олиб бораётгани мутахассисларнинг чуқур ихтисослашуви, касб маҳоратининг янада ошишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида эса хорижий тилларни пухта биладиган, замонавий касб малакасини эгаллаган халқаро журналистлар тайёрланмоқда. Мазкур олий таълим даргоҳларини тамомлаган ёшлар мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Анжуманда журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини замон талабига мос тарзда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий ўқув юртларидаги таълим жараёнига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ижодий лабораторияларни кенгайтириш, талабаларнинг амалий билим ва кўникмаларини шакллантириш, билим даргоҳлари ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Оила чиройи ва чароғбони

(Бошланиши 1-betda.)

Бугунги кунда умуммиллий ҳаракатга айланган "Соғлом она — соғлом бола" мақсадли дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё ҳамжамиятида катта ҳайрат ва ҳавас уйғотмоқда. 2011 йили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда ҳам бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, спортнинг қизларимизга мос турлари жадал ривожланмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида ушбу байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўқувчи қизларга махсус спорт кийимлари топширилди. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир мамлакатимиздаги минг-минглаб қизларга муносиб байрам туҳфаси бўлди. Зеро, бу дунёнинг ҳеч бир мамлакатида мавжуд бўлмаган, халқимизнинг бетимсол қадриятларига уйғун эзгу ва ноёб анъанадир.

Энг муҳими, бу хайрли иш қизларда спортга иштиёқни оширади. Бу келгусида спорт билан шуғулланувчилар сафининг янада кенгайишига, уларнинг соғлом, бақувват ва мустаҳкам иродали бўлишига ҳамда баркамол авлодларнинг дунёга келишига хизмат қилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан таълим муассасаларида ташкил этилаётган "Ораста қизлар" тўгараги ўқувчи ва талаба қизларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти билан таништириш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлигини асраб-авайлаш учун шахсий масъулиятини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш, оғирини енгил қилиш йўлида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган.

Дастурга биноан, жорий йилда кичик бизнес ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига аёлларимиз учун 240 мингта янги иш ўрни яратилади. Уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида уч минтақавий Бизнес-инкубатор фаолияти йўлга қўйилади, бизнес-форумлар, семинарлар ташкил этилади. Фертиль ёшдаги аёллар ва қизларни комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш қамрови янада кенгаяди.

— Ушбу байрам тадбирига йиғилган, юртимизнинг турли ҳудудларидан келган ҳар бир хотин-қизнинг юзида мамнуният ифодасини кўриш мумкин, — дейди Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Арофатхон Усмонова. — Бу уларнинг жамиятда ўз ўрнини топгани, фарзандлари камолини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари — Наманган давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Меҳриноз Аббосова, Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова ва бошқалар хотин-қизларни жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимиз Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирдилар.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида бадиий, ҳунармандчилик ва касаначилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири

Тарбия талқини

Мустақил юрт ёшлари – обод Ватан келажаги

Инсон боласи дунёга келган куниданоқ теварак-атрофни таниш, англаш жараёнларини бошидан кечиради. Товушларни ажратиб, рангларни фарқлай бошлайди. Тириклик зийнати — илм ва ҳунар ўрганишга киришгунга қадар оила қарамоғида камол топади. Шу боис қадимдан ота-боболаримиз фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратиб, унга яхши исм қўйиш, малакали устоз қўлида хат-саводини чиқариш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва улғайиб балоғатга етган чоғида мустаҳкам оила қуришига асос тайёрлаб келади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб муҳтарам Президентимиз ҳам айни мана шу қадриятларни давом эттириш мақсадида ёшлар сиёсатини кун тартибидаги энг асосий масала деб белгилади. Давлатимиз раҳбарининг "Ёшлар эртамизнинг эгалари бўлса, уларда эгалик ҳисси бугундан таркиб топмоғи лозим" деган сўзлари мана шу сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган қонунчилик, назорат таҳлил ва қонунларнинг тарғиботини таъминлаш бўйича Дастурига мувофиқ, Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг Андижон вилоятидаги ижроси ўрганилди.

Айни пайтда Андижон вилоятида вояга етмаган болалар 988 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Андижон вилоятида ҳам тегишли ҳужжат қабул қилинган.

Унга кўра ташкил этилган комиссия томонидан Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ вилоят ҳудудида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар иштирокида жамоатчилик иштирокида мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб турли мавзуларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар профилактикаси бўйича амалга оширган ишлари натижасига кўра, қонун қабул қилинган вақтдан буён турли ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун ҳисобга олинган болалар сони динамикаси маълум даврларда ўзгариб турган. Хусусан, 2010 йил октябрь ойида вилоят бўйича ички ишлар бўлимларида 722 нафар вояга етмаган бола ҳисобда турган бўлса, 2010 йилнинг ноябрь ойида уларнинг сони 689 нафарни, декабрь ойида эса 690 нафарни ташкил қилган. 2011 йилнинг январь-август ойи оралиғида бу кўрсаткич 723 тадан 753 тага ўсган. Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб ҳисобда турувчи вояга етмаганлар сони муттасил камайиб, 701 нафардан 646 тага тушган.

2011 йил давомида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 741 та умумтаълим мактабида, 112 та касб-ҳунар коллежи ва 17 академик лицейда 7883 марта учрашувлар, мулоқотлар, шунингдек, мунтазам равишда *"Давомат"*, *"Ўсмир"* тадбирлари ўтказилган. Бу пайтда яшаш манзилларини узоқ муддатга ташлаб чет давлатларга кетган жами 181 нафар коллеж ўқувчиси аниқланиб, уларнинг 137 нафари ўқиш ва яшаш жойларига қайтарилган.

Бундан ташқари, 654 нафар ўсмир ИИБ хизмат хоналарига келтирилган бўлса, мактаб ва коллежлардаги дарс машғулотларига қатнашмаётган 630 нафар ўқувчи аниқланиб, улардан 615 нафари ўқиш жойларига қайтарилган.

Қонуннинг 9-моддаси талабларидан келиб чиқиб, 2011 йил давомида махсус таълим муассасаларига жами 23 нафар бола жойлаштирилган. Шу даврда ота-она қаровисиз қолган 758 нафар болалар аниқланиб, улардан 27 нафари Андижон шаҳридаги гўдаклар уйига, 7 нафари "Болалар шаҳарчаси"га, 53 нафари Пахтаобод туманидаги 31-сонли кам таъминланган оила фарзандлари махсус мактаб-интернатига жойлаштирилган, 222 нафари оилаларга васийликка, 122 нафари ҳомийликка, 322 нафари фарзандликка, 5 нафари оилаларга тарбияга берилган.

Вояга етмаган фарзандини қаровсиз ва назоратсиз қолдирган, ўз бурчини лозим даражада бажармаган 40 нафар ота-онадан 26 нафари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, 14 нафарининг муомала лаёқати чекланган.

Таълим муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси борасидаги фаолияти Қонуннинг 13-моддасида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилиб, соҳада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, 2011 йил 3 мартда вилоят халқ таълими бошқармасининг режаси ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда. Аҳамиятлиси, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вояга етмаганларнинг бозорларда, назарда тутилмаган бошқа жойларда бўлишларига йўл қўймаслик мақсадида мунтазам рейдлар ўтказиб келинмоқда.

Ушбу назорат-таҳлил жараёнида амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда мазкур Қонуннинг ижро этилишида бир қатор камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди. Хусусан, вояга етмаган болани ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши, вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш бўйича қонун талаблари етарли даражада бажарилмаган. Масалан, Қонуннинг 30-моддаси бешинчи қисми талабига зид равишда вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштиришда кўплаб суд ажримларида жойлаштирилиш муддатлари кўрсатилмаган. Ёки амалга киритилган бир қатор суд ажримлар ўрганилганда Қонуннинг 28-29-моддаларида вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш масаласини судга вилоятдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан тақдим қилиниши белгилаб қўйилган бўлса-да, тақдимнома ИИБ томонидан судга берилган ҳолатлар мавжуд.

30-модданинг иккинчи қисмида "ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт"лиги ёки унинг фикрлари эшитилиши лозимлиги белгиланган. Бироқ кўплаб суд қарорларида вояга етмаганларнинг қатнашгани кўрсатилмаган. Уларнинг фикрлари эшитилмаган.

Шулардан келиб чиқиб, Қўмита томонидан "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига масъул бўлган органлар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини янада фаоллаштиришга қаратилган тавсиялар ва хулосалар тақдим этилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эндиликда келажак давомчилари ҳисобланган фарзандларимиз тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Уларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш, қонунлар устуворлигини англатиш, бу йўлдаги барча саъй-ҳаракатлар жамиятимизда қарор топиб бораётган демократик тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Арслон ЭШМУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ҚОННИНГ ЯНГИ ГУРУҲЛАРИ АНИҚЛАНДИ

АҚШнинг Вермонт университети олимлари олиб борган изланишлар натижасида яна иккита янги қон гуруҳи аниқланди. Уларга «Лангерайс» ва «Жуниор» дея ном берилди. Биологлар бу кашфиётни айрим одамлар учун «ҳаёт-мамот» масаласи сифатида эътироф этмоқдалар.

— Яқин-яқинларгача 30 хил қон оқсиллари мавжуд деб ҳисобланарди, — дейди кашфиётчи олимлардан бири Б.Баллиф. — Энди эса уларнинг тури 32 тага етди. Бу қувонарли, албатта. Чунки ҳар икки янги қон оқсили организмнинг шишга қарши қувватини аниқлаш, шунингдек, ракни даволашдаги қулай усулларни қўллашда ёрдам бериши билан ажралиб туради.

Б.Баллиф ҳамкасблари билан биргаликда қон эритроцитлари сиртидаги антигенлар устида тадқиқотларни давом эттиришмоқда. Олимнинг фикрича, яна 10-15 турдаги аниқланмаган қон гуруҳлари мавжуд.

ТАНКЛАР УЧУН ЯНГИ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Жанубий Кореянинг ҳарбий ишланмалар агентлиги зирҳли ҳарбий техникаларни снарядлардан фаол ҳимоя қилувчи янги тизим яратилди, дея хабар тарқатди «Defense News» нашри мамлакат ҳарбий савдолар бошқармаси маълумотларига таяниб.

Нашрда қайд этилишича, уч мўлжалли радиолокацион қурилма душман 150 метр наридан йўналтирган снарядни, ҳатто танкка қарши бошқариладиган ракетани ҳам тез илғаб олади ва ўзига 10-15 метр қолганида зарарсизлантиради. Бу фаол ҳимоя тизими сифатида ҳозирча ягона бўлиб турибди.

Ҳарбий ишланмалар агентлиги вакилининг айтишича, APS деб номланган ушбу фаол ҳимоя тизими тез кунларда Жанубий Кореянинг бугунги кундаги асосий ҳарбий техникаси — «K2 Black Panther» танкларига, кейинчалик эса ҳарбий кемалар, вертолётлар, ҳатто ҳукумат бинолари ва объектларига ҳам ўрнатилади. 2006 йилдан буён тадқиқ этилаётган APSнинг бир комплекти 600 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланаяпти.

ЖАМОЛУНГМА АТРОФИДАГИ БАҲСЛАР

«France-Presse» агентлигининг хабар қилишича, Непал халқаро экспертлардан Жамолунгма (Эверест) чўққиси баландлигини аниқлашда амалий кўмак сўради. Чунки Непал ҳукумати бу каби лойиҳаларни амалга ошириш учун на илмий, на молиявий имкониятга эга.



«Дарҳол бу таклифга қизиқувчилар пайдо бўлди, — деб ёзади «BBS News» мухбири. — Улардан бири Италиянинг ноҳукумат ташкилоти бўлса, яна бири Дания университетидир. Аммо қизиқиш билдирган бу икки муассасада ҳам мазкур лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун маблағ етарли эмас».

Маълумки, 1954 йилда ҳинд олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосан Жамолунгма чўққисининг баландлиги денгиз сатҳидан 8848 метр деб қабул қилинган. Кейинчалик хитойлик олимлар чўққининг баландиги 8844 метрдан, дея бонг уришди. 1999 йилга келиб эса, америкалик олимлар GPS технология маълумотларига асосланиб, бу кўрсаткични 8850 метр деб белгилашди.

Яхши биласизки, Жамолунгма чўққисини елкасида кўтарган Ҳимолай тоғи Непал ва Хитой мамлакатлари чегарасида жойлашган. Аммо бу чўққининг баландлиги хусусида мазкур икки давлат сира келиша олишмаяпти. Боз устига, геологлар ҳинд субконтинетни Евроосиё томон силжиётгани боис Ҳимолайдаги чўққилар, хусусан, Жамолунгма ҳам сиқилиш эвазига кўкка бўй чўзмоқда, деган тахминни илгари суришгани дард устига келган чипқонни эслатаяпти.

«ГАПГА КИРАДИГАН» АВТОМОБИЛЬ!

Жорий йилнинг март ойида Женева автосалонида замонавий планшет ва смартфон билан жиҳозланган машиналарнинг сотилиши кутилаяпти. Гап «Ford» компаниясининг янги автомобили — B-MAX модели ҳақида кетаяпти. Ford SYNC бошқаруви деб ном олган бу тизим бўйича яратилган машина салонига рулдан ташқари ҳайдовчи овозига бўйсунувчи мослама ҳам ўрнатилади.

SYNC технологияси бугунгача АҚШнинг 4 миллионта автомобилида обдон синовдан ўтди. «Ford» компаниясининг режасига кўра 3 йилдан сўнг SYNC тизимидаги машиналар сони 13 миллионтага етказилади. Шундан 3,5 миллионтаси Европа бозорларига чиқарилади.

SYNC технологиясининг афзаллиги шундаки, автомобилни бошқариш чоғида ҳайдовчи мусиқа эшитиш учун радио ёки бошқа мосламалар қулоғини бураб ўтирмайди, қўл телефонига SMS келса, қўнғироғи жирингласа ҳам чалғимайди. Ҳатто навигация экрани орқали бирор овқатланиш жойи (ресторан, кафе)ни изламайди. Буларни аниқлаш автомобиль зиммасига юкланади. «Гапга кирувчи» машина тезда кафе ё ресторанга йўл олади.

Яна бир қулайлик: SYNC тизимига уланган автомобиль ўзидаги хавфсизлик ёстиқчалари ишлаганда, машинанинг ёнилғиси камайганда ҳайдовчини уринтирмасдан, ўзи эгасининг Bluetoothuci орқали керакли жойга хабар жўнатади. Табиийки, автоҳалокатга учраган ёки ёнилғисиз қолган машина турган жойга соҳа мутахассислари ёрдамга етиб келишади. Эҳ, тиниб-тинчимаган одамлар-а!

Бундай ҳожатбарор автомобилларнинг МДҲ давлатларига, хусусан, Россия автобозорига шу йилнинг сўнгги кунларида кириши тахмин қилинаяпти. Чунки SYNC тизими базасига ҳозирча русча сўзлар дастури киритилгани йўқ.

САРИҚ КАСАЛГА ДАВО ТОПИЛДИ

Ураллик олимлар кашф этган восита танадаги С гепатити, шунингдек, герпервирусли инфекцияларни ҳайдаб чиқариш имконига эга экани хусусида журналистларга маълум қилди, дея хабар тарқатди «РИА Новости» ахборот агентлиги. Урал давлат тиббиёт академиясининг фармакология кафедраси олимлари томонидан кашф этилган дори воситаси савдода «профеталь» номи билан аталади.



Профеталь вакцинаси 30 нафар беморда синаб кўрилди. Вакцина кўринишида ишлаб чиқариладиган восита синаб кўрилган беморларнинг барчаси С гепатитидан тўлиқ фориғ бўлишгани олимларнинг ўзларига бўлган ишончини янада оширди.

Вакцина 30 кун давомида укол йўли билан инсон танасига кунига бир мартадан юборилади.

Жорий йилнинг сентябрь ойларида Свердловск вилоятининг Новоуральск шаҳрида мазкур вакцинани тайёрлаш учун ишлаб чиқариш майдони ва олтита лабораторияни жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Матёқуб НАРЗИЕВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

(«The Guardian», Буюк Британия)

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИМИ?

Шимолий Корея АҚШнинг озиқ-овқат ёрдами эвазига ядро ракеталари синови ва уран бойитилишини тўхтатади, шунингдек, халқаро кузатувчиларнинг мамлакатга киришига рухсат беради, деб ёзади Буюк Британияда нашр этиладиган «The Guardian» газетаси.

АҚШ расмийларининг фикрича, Пекинда келишилган ушбу битим аввалгилари каби натижа бермаслиги ҳам мумкин. Чунки КХДР ядро дастурининг чекланишига катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг етказилиб берилишининг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шундай бўлса-да, бу ҳаракат томонларнинг алоқаларини яхшилашга имкон беришидан умид қилинмоқда. Хусусан, халқаро экспертларнинг сўзларига кўра, бу битимнинг тузилиши Пхеньянни кўндиришга оид муҳим қадамлардан биридир.

Маълумот ўрнида таъкидлаб ўтиш мумкинки, Қўшма Штатлар КХДРга 2009 йилда биринчи марта 240 минг тонна озиқ-овқат етказиб берганди. Ҳозирги кунда эса келтирилаётган маҳсулотларнинг миқдори сезиларли даражада камайган.

(«La Nacion», Аргентина)

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН ЭСКИ ДАРД

«La Nacion» газетасида WikiLeaks ахборот портали томонидан тарқатилаётган хабарларга бағишланган мақола эълон қилинди.

Гап шундаки, мазкур портал кейинги вақтда «Stratfor» разведка агентлиги (АҚШ)нинг кўплаб махфий электрон хатларини оммага эълон қилган. Бир неча кун олдин эса Аргентина ва Буюк Британия ўртасида Фолкленд ороллари масаласида келиб чиққан зиддиятга доир айрим сирларни дунё аҳлига тақдим этган.

Разведка агентлигининг маълумотларида келтирилишича, Буюк Британия Фолкленд ороллари ўзиники қилиб олишга яқин турган. Бу ердаги нефть конларининг Англияга тегишли эмаслиги хусусидаги қарашлар бўйича Бразилия Аргентинани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган.

Таъкидлаш ўринлики, «Stratfor» бу воқеаларга муносабат билдирар экан, бу геополитикани таҳлил қилиш учун катта имконият, дея баҳолаган.

("The New York Times", АҚШ)

МУНОСАБАТЛАР УЗИЛИШИ МУМКИН

Шу ҳафтада қатор Европа давлатлари ва Беларусь муносабатларида кутилмаган ҳолат юзага келди. Беларусь раҳбарияти мамлакатга қўйилган янги санкция туфайли Евроиттифоқ ва Польша вакилларига чиқиш эшигини кўрсатиб қўйди. Натижада улар бу мамлакатдан ўз элчиларини олиб чиқиб кетишни афзал билишди.

Беларусь Президенти мамлакатга қўйилган тақиқ ҳамда яқин маслақдошлари бўлган Яқин Шарқ ва Жанубий Америка давлат раҳбарларидан 21 нафарининг ҳисоб рақамларининг музлатилгани сабабли Европа билан муносабатларни тўлиқ узишни режалаштираяпти.

Қайд этиш керакки, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиёти ачинарли ҳолга келиб қолган. Муомалага керагидан ортиқ чиқарилгани боис миллий валюта деярли 300 фоизга қадрсизланган. Бунинг оқибатида мамлакатда хорижий валюталарга, узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган товар ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талаб кескин ортди.

Интернет хабарлари асосида Азим БАҲОДИР тайёрлади.

Жаҳон адабиёти тажрибасидан

САРИҚ ДЕВНИ МИНГАН ГАРРИ ПОТТЕР

"Кейинги пайтда фарзандларимизнинг китоб ўқимасликларидан хавотирга тушиб қолгандик. Янги авлод вакилларини билим эгаллашда энг осон ва содда йўлдан боришаётгани, яъни телевидение ва компьютердан фойдаланишда айблаб келардик. Кутилмаганда бу китобнинг пайдо бўлиши болаларимизда яна мутолаа завқини уйғотди. Бундан бироз ҳайратланиб турганимиздан сўнг биз — ота-оналар ҳам китоб ўқишга муккамиздан кетдик..."

Ушбу фикрлар англиялик ота-оналарнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларидан олинди. Унда сўз бораётган, ҳаммани бирдек ўзига жалб этган китоб — Жоан Кэтлин Роулингнинг Гарри Поттер ҳақидаги етти романи эди.



Илм-фан, технология ривожланган бугунги кунда ҳозир таъкидланган гаплар эриш туюлади кишига. Бутун дунёда одамларнинг, айниқса, ёшларнинг китоб ўқишга қизиқиши анча сустлашган бир пайтда юқоридаги ҳолат мўъжизадек кўринади. Во ажаб! Кечагина компьютер ўйинлари билан банд бўлган, телевизор қаршисидан кечаю кундуз нари кетмаётган болаларнинг бугун қўлида китоб! Бу тасодифми ё?..

Инглиз ёзувчиси Жоан Роулинг ўша кунларни интервьюларидан бирида шундай эслайди: «Мен асарларимнинг бу даражада машҳур бўлиб кетишини кутмагандим. Газетада ҳам, телевидениеда ҳам фақат мен ҳақимда, китобим қаҳрамонлари ҳақида ёзишарди, гапиришарди. Очиғини айтсам, бундан қўрқувга тушдим. Шунинг учун анча вақт оммавий ахборот воситаларини кузатмай қўйдим. Шундан сўнг ўзимга келиб олдим. Бу орада Лондонда анъанавий "Уимбилдон" теннис турнири бошланди. Спортга бўлган қизиқишим туфайли газета сотиб олдим. Қолаверса, омма теннис билан бўлиб мени унутган деб ўйлагандим. Аммо адашган эканман. Мен ҳамон биринчи рақамли қаҳрамон эдим. Ҳатто спорт журналистлари томонидан теннис шарҳларида ҳам камина бир неча марта тилга олинганди».

Қизиқ, ёзувчи аслида нима учун китоб ёзади? Табиийки, бу саволга ҳар ким турлича жавоб беради, фикр билдиради. Кимдир тирикчилик учун деса, яна биров адиб асарлари билан одамлар онгини, дунёқарашини юксалтириши керак, деб ҳисоблайди. Эътиборлиси, машҳурлик учун қалам тебратаётганлар ҳам оз эмас. Шундай экан, Жоан Роулинг нега машҳурликдан қўрқди? Китобларининг жуда тез оммалашишининг сабаби нимада? Дунёда яратилаётган кўплаб асарлар Гарри Поттер ҳақидаги романлар соясида қолиб кетишининг сири нимада?

Аслини олганда, ижтимоий нафақа эвазига кун кўрадиган таржимон аёл Жоан Роулингда биринчи китоб сюжетни Манчестер шаҳридан Лондонга кела туриб, тўрт соат йўлда туриб қолган поездда хаёлида "пишитиб" олган, сўнгра Эдинбургдаги кафеларнинг бирида қоғозга туширилган эди. Аввалига эски механик ёзув машинкасида битилган қўлёзма ёзувчининг саккиз ёшли қизига маъқул келади. Асар қўлёзмаси билан танишиб чиққан нашриёт ходимлари эса китобни нашр этишга розилик билдириб, муаллифга бўнак сифатида бир ярим минг фунт стерлинг беришга қарор қилишади. Шунингдек, ноширлар бошловчи ёзувчига эртак ёзиб ҳаётий эҳтиёжларни қондириб бўлмаслигини айтиб, доимий иш топишни маслаҳат беришади. Ўша қўлёзма 1997 йил июнда «Гарри Поттер ва ҳикматлар тоши» номи билан 1000 нусхада чоп этилади (Ҳозир мазкур нашрнинг бир донаси кимошди савдосида 25 минг фунт стерлингдан сотилмоқда!)

Ҳа, кутилмаганда Роулинг ва унинг қаҳрамонлари ақлга сиғмайдиган даражада оммалашиб кетди. Ҳамон асарларининг мунтазам турли тилларга таржима қилинаётгани фикримиз исботи. Айни кунгача эса Гарри Поттер ҳақидаги романлар дунёнинг 47 тилига ўгирилиб, юз миллион нусхадан кўпроқ нусхада чоп қилинган.

Роулинг китоблари шуҳратини эътироф этишда бир далилни муҳокама этиш зарур. Адиба томонидан ўйлаб топилган кичкина сеҳргар бугун дунёнинг идеал ньюсмейкери (newsmaker) — янгилик яратувчисига айланган. ОАВ янгиликларида унчалик аҳамиятли бўлмаган хабарларда ҳам унинг номи қайта-қайта эсланади. Яратилганидан бери 146 йил ичида бор-йўғи уч марта қайта нашр этилган "Инглиз тилининг Оксфорд луғати"га Роулинг ўйлаб топган "маггл" (сеҳрли бўлмаган) сўзини киритиш мўлжалланмоқда. Fan-fiction ("Мухлислар адабиёти") томонидан муаллиф сюжети ҳар хил қўшимчалар билан бойитилмоқда, ривожлантирилмоқда. Минглаб сайтларга кираётган ёшлар ва ўсмирлар ўзларини Роулинг қаҳрамонлари исми билан аташмоқда. Ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларига асар қаҳрамонларининг расмини туширишмоқда, аудиостудиялар романнинг овозли версияларини чиқаришмоқда.

Шу ўринда ғалати савол туғилади: ҳафтасида 70 фунт стерлинг эвазига кун кечирадиган ўттиз ёшли Роулинг орадан бир неча йил ўтиб дунёдаги бадавлат инсонлар сафидан ўрин олишини, машҳур бўлишини хаёлига келтирганмикан? Қолаверса, унга бу фантазиялар қаердан келди? Ҳар ҳолда, буларнинг барчаси унинг болалиги билан боғлиқ бўлса, ажабмас.

Асли исми-шарифи Жоанна Мюррей бўлган ёзувчи 1965 йил 31 июлда Англияда таваллуд топган. Унга болалигида бувиси Кэтлин хоним турли қизиқарли тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб берарди. Булардан таъсирланган бўлажак адиба 5-6 ёшида хонаки қуён ҳақида эртак ҳам ёзганди. Ўша пайтларда Жоанна оғир-вазмин, тортинчоқ, юзини сепкил босган қизалоқ эди. Бўш вақтларида эса хорижий тилларни ўрганиш билан шуғулланарди.

Жоанна мактабни тамомлагач, Экзетердаги университетга кириб, француз тилини ўрганади. Бу унга бир йил давомида Парижда саёҳат қилиш имкониятини яратади. Бакалавр даражасини олгач эса, Лондонга келади. Аммо бирор жойда муқим ишлай олмайди.

Шу тариқа у тақдир бошлаган йўллардан юраверди, у ердан бу ерга тинимсиз кўчишга мажбур бўлса-да, ёзишни тўхтатмади. Натижада бирин-кетин Гарри Поттер ҳақидаги романлар серияси яратилди.

Юксак сабр-бардош, олға интилиш адибани тақдирламай қўймади. У кўплаб адабий совринларни қўлга киритишга эришди. Жумладан, 2000 йилда Британия Империяси мукофотига лойиқ кўрилди. 2004 йилдан бери эса у Буюк Британиянинг энг бадавлат аёли сифатида тилга олинади. «Forbes» журналининг 2008 йилги сонларидан бирида унинг бойлиги 1 миллиард АҚШ долларига тенг экани қайд этилди.

Бугун Гарри Поттер инглиз болалар адабиётининг чинакам "ўғли"га айланди. Адабий танқидчилар ёзувчи бу асарларни яратишда илҳомни қаердан олиши хусусида бош қотириб, «нишини санчиб олиш»га ҳеч бир асос тополмаганидан хуноб. Уларнинг аксарияти Роулинг китобларини ёмонлаб чиқишди. Ҳатто бу асарларга «инглиз адабиёти бузилишининг ибтидоси» дея баҳо беришди. Христиан черковларида эса Гарри Поттер ҳақидаги эртаклар болаларнинг оккультизм (дуохонлик, афсун каби хурофотларга ишонтирувчи мистик таълимотларнинг умумий номи)га қизиқишини орттиришидан хавотирда. Шу боисми, диндорлар мактаблардаги кутубхоналардан мазкур асарларни чиқариб ташлаш ва шу кунгача нашр этилганларини ёқиб юбориш лозимлигини уқтиришмоқда. Лекин бизнингча, руҳлар, кўзга кўринадиган шарпалар ва ҳоказолар тўғрисидаги сеҳрли эртакларнинг инсон руҳияти ва қалбига хавфли томони йўқ. Муҳими, ҳақиқатни эртаклардан фарқлаш ва кундалик ҳаётда сеҳргарликка ишонмасликдир. Акс ҳолда, сеҳргарликка ишониш ва тақлид қилиш салбий оқибатлар олиб келиши турган гап. Масалан, 2002 йилда Новосибирскда 10-14 ёшли йигирма нафар ўспирин Гаррига тақлид қилиб, мис купорасидан сеҳрли кукун сифатида фойдаланмоқчи бўлишган. Натижада улар шифохонанинг реанимация бўлимига тушиб қолишган.

Ҳозир кўнгилочар нашрларда инсонни лол қолдирадиган сирли ҳаётни тасвирлаш одат тусига айланди. Бу борлиққа фақат эртаклар, мифлар, афсоналар орқали кириш мумкин. «Гарри Поттер»да эса сеҳргар ва жодугар кампирлар бизнинг орамизда яшайди. Хогвартс сеҳр мактабига Лондон вокзалидан тўппа-тўғри ўтиш (тушиш) мумкин. Афсонавий кўчаларга майхонанинг билинмайдиган деворларидан ўтса бўлади. Фақат деворнинг қаерида туйнук борлигини билсангиз бўлди. Шундан бўлса керак, «Гарри Поттер» романларини ўқиган одамлар «Маггл» — афсонавий дунё мавжудлигига сира шубҳаланишмайди. Ўз навбатида, Хогвартсда яшовчилар бир-биридан сезиларли даражада фарқланишади, улар қизиқарли ва турфа хил. Бу ердагиларнинг ҳаммаси саралангандек гўё. Аммо гарчи уйларида компьютер жамланмалари ва замонавий маиший техника воситалари бўлса-да, ҳаётдан умидсиз ва тараққиётдан ортда қолгандек таассурот уйғотади улар.

Қисқаси, Роулинг асарлари борасидаги фикрлар турфа хил. Уларнинг жанри, мавзуси бўйича баҳс-мунозаралар қизғин. Бизнинг назаримизда, адибанинг ёзганлари эртакнинг замонавий кўриниши. Бундай дейишимизга асардаги воқеалар, деталлар асос бўла олади. Шу ўринда ўзбек халқ эртакларини бир ёдга олинг. Уларда гиламларнинг учиши, отларнинг фазода сайр этиши, йўқ нарсанинг бор, борининг эса кўздан ғойиб бўлиши сингари деталларга дуч келинади. Энг асосийси, сеҳр ва жоду ўз кучини кўрсатади. Ёки достонларимиздаги бўрттириб тасвирланган воқеаларни кўз олдингиз келтиринг. Буларнинг ҳаммасини «Гарри Поттер»да учратиш мумкин. Қолаверса, Роулинг асарларида эзгулик доим ёвузликдан устун келади. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам худди шундай.

Яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Севимли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асари қаҳрамони — Ҳошимжоннинг Гарри Поттердан нимаси кам? Уларнинг ўртасидаги фарқ Ҳошимжоннинг ўзбек, Поттернинг инглиз бўлганида, холос.

Ҳа, айтгандек, Роулинг ёзишда яна давом этмоқчи. У яна бир китобини омма эътиборига ҳавола қилмоқчи. Бироқ у Гарри Поттер ҳақида бўлмайди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Оила — жамият пойдевори

Мамлакатимизда 1996 йилдан буён ҳар бир йилга муносиб ном берилиши ва улар юзасидан давлат дастурларининг қабул қилиниши жамиятимиз ривожида катта ўрин тутаётгани халқаро ҳамжамият томонидан ҳам тан олинмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов таклифига кўра, 1998 йилнинг Оила йили, 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши жамиятимиз асоси бўлмиш — оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳуқуқий, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари яқинда имзо чеккан «Мустаҳкам оила» йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарорда ҳам «...жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш»га оид кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси белгилаб берилди. Зеро, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ». Шубҳасиз, бу таъриф ва хусусан, қабул қилинган қарор замирида мамлакатимиздаги барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан, адлия идоралари зиммасига ҳам катта масъулият юкланган.

Хусусан, мамлакатимизда соғлом оила шаклланишида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари алоҳида ўринга эга. Қолаверса, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оиланинг мустаҳкамлигига ҳар икки ёш бирдек масъул эканини тушунтириш бизнинг фаолиятимиз мезонларини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан ҳам қарорда белгиланган «бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш» вазифаси ниҳоятда масъулиятлидир. Соҳа ходимлари Мустаҳкам оила йилида оила институтини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш, янги таклифлар билан тўлдириш, никоҳдан ажралишлар сонининг кескин камайишига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифалари эканлигини тўла англаган ҳолда фаолиятга киришганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам деган иборанинг мағзи, мантиғи шунда.

Хайрулло СОБИРОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Васият қонун билан ҳимояланган

Нормурод ота ёлғиз ўғлини уйли-жойли қилди, қизларини узатди, энди бемалол оёқ узатиб, қарилик гаштини сурса бўларди. Фақат кенжа қизи — Нафисанинг турмуши бузилиб, икки фарзанди билан ота уйига қайтиб келгани унинг кўнглини бироз хижил қилди. Кексайиб, тобора кучқувватдан кетган сари қизи ва набираларининг кейинги тақдирини ўйлаб хавотири кучайди.

Бу орада ўғли Адҳам: «Ота, уйни менинг номимга расмийлаштириб қўймасак бўлмас экан», — деб кун-кунаро уни аврай бошлади. «Бу уй-жойни ўзим билан у дунёга олиб кетармидим,» — ўйлади отахон. — Ёлғиз ўғлимга қолдирмасам... Болаларим, худога шукур, меҳр-оқибатли, ҳаммаси уйли-жойли, мерос талашишмайди, фақат Нафисанинг уйи йўқ, лекин акаси ташлаб қўймас».

Шу куни ота бир қарорга келиб, оила аъзоларини йиғди.

— Ёлғиз ўғлимсан, бунинг устига, оиланинг каттаси энди сен бўласан, — деди Адҳамга. — Уйни сенинг номинга васият қилдираман. Фақат, менга ваъда бер, синглинг Нафисани кўчада қолдириб қўймайсан. Унга ва болаларига ғамхўрлик қиласан. Хўпми, ўғлим!

— Бу нима деганингиз ота? Жигаримни кўчага ташлаб қўярмидим. Синглимиз биз билан яшайверади. Агар ўзи биз билан яшашни истамаса, албатта, алоҳида уй олиб бераман. Кўнглингиз тўқ бўлсин, отажон! — Шундай деб Адҳам ва унинг хотини оғизларидан бол томиб, оталарига бир дунё ваъда беришди. Нормурод отанинг кўнгли хотиржам тортди. Каттагина уй-жой Адҳамга васият қилинди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, қария омонатини топширди. Шундан сўнг туғишган жигарлар ўртасида меҳр-оқибат ришталари узила бошлади, отага берилган ваъдалар унутилди.

Адҳам хотини орқали Нафисага уйни бўшатиш пайти келганлигини бир неча бор эслатди.

— Ўғлимни уйлантиришим керак, ижарага бўлсаям жой топиб чиқиб кет. Ҳовли-жой қонуний менинг номимга ўтган, сенинг бу уйга ҳаққинг йўқ, — деди навбатдаги жанжалда. — Яхшиликча кетсанг-кетдинг, бўлмаса кўч-кўронингни кўчага олиб чиқиб ташлайман.

Агар Нафиса болалари билан шу уйда доимий яшаш учун рўйхатда бўлмаганида, қонун уни ҳимоя қилмаганида шундай бўлиши ҳам мумкин эди...

Халқимизда «ваъда вафоси билан гўзал» деган мақол бор. Лекин мулк ҳақида сўз кетганда, қонун доирасида иш кўриш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда берилган ваъда ҳам мустаҳкам бўлади ва ҳеч қачон қийматини йўқотмайди. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига кўра нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилган кўчмас мулкка оид олди-сотди, ҳадя, айрибошлаш шартномалари ва барча турдаги васиятномалар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, шунингдек юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олади. Қонунчилигимизда мулк ва мулкий ҳуқуқни вужудга келтирувчи объектлардан бири — мерос давлат ҳимоясида эканлиги қайд этилган. Бу меъёрларнинг ҳаётий ифодаси кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши билан аҳамиятга эгадир.

Абдухалил ШАРИПОВ,
Анора ЙЎЛДОШЕВА,
Олмалиқ шаҳридаги ДНИ нотариуслари

Билмаганни билган яхши

Инсон ҳуқуқи чекланмайдими?

— Руҳий касаллиги аниқланган шахслар билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолат инсон ҳуқуқлари чекланди деб ҳисоблашга асос бўлмайдими?

Ш.Зоҳирова
Қарши шаҳри

Оила кодексининг 16-моддасига кўра, лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузилиши мумкин эмас. Чунки бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайди. Шу сабабли бу ҳолат инсон ҳуқуқлари чекланди деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Аксинча, қонунчиликда бундай тартибнинг белгиланиши келажак авлод саломатлиги тўғрисида давлат ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир.

Никоҳга кирувчи шахс ФҲДЁ органига ариза топширгандан сўнг никоҳни қайд этиш муддатигача суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилса, бу никоҳ тузилишига монелик қилувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, никоҳ қайд этилгандан кейин ҳам эр-хотиндан бири белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Мазкур ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун эмас, балки муомалага лаёқатсиз шахс билан тузилган никоҳни бир томоннинг аризасига кўра ФҲДЁ органида ажратиш учун асос бўлади.

«Кумулятив овоз бериш» тушунчаси

— Сайлов жараёни ҳақида гап кетганда, “кумулятив овоз бериш” тушунчасига дуч келамиз. Бу овоз бериш жараёни бизда қўлланиладими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ж.Чориев
Чироқчи тумани

Кумулятив овоз беришнинг ўзига хослиги шундаки, кўп мандатли сайлов округларида ҳар бир сайловчи нечта номзод сайланиши лозим бўлса, шунча овоз бериш ҳуқуқини амалга оширади. Яъни сайловчи ҳар бир номзод учун ўз овозларини алоҳида-алоҳида ёки ўзи илгари сураётган бир номзодга барча овозларини бериши мумкин. Бу жараён АҚШнинг Иллинойс штатида 1870-1980 йилларда амалда қўлланилган. Қолаверса, Германиянинг Бавария ўлкасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларда ҳам ҳар бир сайловчи учта овозга эга бўлади.

Бизда кумулятив овоз бериш қўлланилмайди.

Мулк титули дегани нима?

— Яқинда матбуотда «мулк титули» деган атамани ўқидим. Айтинг-чи, мулк титули дегани нима?

Н.Жабборов
Китоб тумани

Фуқаролик қонунчилигига кўра шахсларда муайян мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи пайдо бўлишига олиб келувчи турли ҳуқуқ яратувчи юридик фактлар мулк титули ҳисобланади. Мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари (мулк титули) қуйидагилардир:

— меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти (шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш);

— мерос олиш;

— давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва бошқа қонунга зид бўлмаган асослар.

Саволларга Қарши шаҳридаги 1-сон ДНИ катта нотариуси Матлуба КЕНЖАЕВА, Китоб туман ДНИ нотариуси Бахтиёр ТУРДИЕВ, Деҳқонобод туман ДНИ нотариуси Ислом ЭГАМОВ жавоб берди.

Сумкасини унутиб қолдирибди...

— Жамоат транспортида ёнимда ўтирган йўловчи турли буюмлар солинган сумкасини унутиб қолдирди. Мен уларни транспорт воситаси эгасига бермоқчи бўлдим, аммо у олишдан бош тортди. Шундан сўнг ҳайдовчида телефон рақамларимни қолдирдим. Лекин ҳозиргача ҳеч ким менга қўнғироқ қилгани йўқ. Бундай ҳолатда қандай йўл тутишим лозим?

С.Акбаров
Қарши шаҳри

Йўқолган ашёни топиб олган киши бу ҳақда ашё эгаси ёки уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга шахслардан бирортасини дарҳол хабардор қилиши ҳамда топилган ашёни қайтариши шарт. Агар ашё бинода ёки транспорт воситасида топилган бўлса, у шу бино ёки транспорт воситаси эгаси бўлмиш шахсга топширилиши лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахс ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Агар топилган ашёнинг эгаси ва унинг манзили маълум бўлмаса, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маълум қилиниши шарт. Шунингдек, олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса, ашёни топган шахсга ёхуд тегишли жойларга ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик қилади. Башарти, у бундан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади.

Саволга Шаҳрисабз туманидаги 1-сон ДНИ нотариуси Искандар СУЛТОНОВ жавоб берди.

Тенгдошлар ҳақида

Ирода ва масъулият бўлса...

Оила — муқаддас даргоҳ. Не-не олиму уламолар, мутафаккирлар ҳам оилада камол топган. Унда ота билан бирга онанинг ҳам ўзига хос масъулияти барқарор. Келажак эгаларини тарбиялашда, аввало, оналарнинг ҳиссаси беқиёс.

Тенгдош замондошларимиз орасида мана шу масъулиятни дилдан ҳис этган, ўзини ҳам, фарзандларини ҳам юртимиз келажагига бахш этаётган тенгдошларимиз анчагина. Сизга таништирмоқчи бўлганимиз «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг латофатли, шижоаткор ва барчага ўзининг гўзал фазилатлари билан ўрнак бўла оладиган фаолларидир. Уларнинг бошқа тенгдошларимиздан фарқи шундаки, ўқиш ва жамоат ишларидаги ташаббускорликлари билан бир қаторда, улар оила деб аталмиш мустаҳкам қўрғоннинг чин маънодаги бекаларидир.

Танишинг: Мафтуна Сайфуддинова, Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари унверситетининг инглиз филологияси факультети 4-курс талабаси. 2008 йилда «Таълим грантлари дастури» ғолиби бўлган.

Шунингдек, БМТнинг ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва ЮНФПА жамғармалари томонидан ташкил этилган бир қанча лойиҳалар иштирокчиси, Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси, оилали.

— Сиз «Келажак овози» ЁТМнинг «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш» йўналишида гуруҳ сардорисиз. Зиммангиздаги масъулият оғирлик қилмаяптими?

— Ўқувчилик пайтимда мактабимизда бўлиб ўтадиган турли тадбирларда фаол иштирок этишга, барча фанларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилардим. Балки, шу сабабданми, устозларим менга синф сардори бўлишдек масъулиятли вазифани юклашган. Зиммамдаги масъулият янгидан-янги ташаббусларни, ғояларни амалга оширишимда катта ёрдам беради.

— Оиладаги юмушлар, келинлик бурчи олдингизга қўйган мақсадларни амалга оширишга таъсир қилмайдими?

— Менинг оилам — турмуш ўртоғим ва оила аъзоларим зиёли инсонлар. Барчаси талабалик даврини бошидан ўтказган. Ўқишда учрайдиган қийинчиликларни ҳам яхши тушунишади ва мени доимо қўллаб-қувватлашади. Шунинг учун ҳам оиламнинг кўмагида барча ишларимни ўз вақтида бажаришга ва оиламдагиларнинг мен билан фахрланишларига астойдил ҳаракат қиламан.

— Фаолиятингизга турмуш ўртоғингизнинг муносабати қандай?

— Оиламизда ишонч ва садоқат катта рол ўйнайди. Балки, эришаётган ютуқларимизнинг барчасига турмушимиз мобайнида ўзаро бир-биримизни тушуниб, қўллаб-қувватлаб, дўстона муносабатда бўлишимиз сабабдир.

Мафтунахонга ўхшаган фаол ёшлардан яна бири Элнора Мағдиевадир. У Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2-курс талабаси. «Таълим грантлари дастури» соҳиби, оилали — Нодир ва Жавоҳир исмли фарзандларнинг меҳрибони.

— Элнора опа, сиз коллежни битириб, маълум вақт ўтгач, олий ўқув юртига ўқишга киришга жазм этгансиз. Ҳаётда бу каби вазиятлар камдан-кам ҳолатларда кузатилади. Айниқса, келинлик масъулиятини зиммасига олган хотин-қизлар орасида ўқишга кириш бу чинакам жасорат, деб ўйлайман...

— Тўғри, кўпчилик дугоналарим ўрта махсус таълимни тугатгач, оилали бўлиб уй бекасига айланган. Мен ҳам Тошкент банк коллежини тамомлаганимдан сўнг турмушга чиқдим ва бироз муддатдан кейин Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги касб-ҳунар коллежига ишга кирдим. Олий даргоҳга ҳужжатларимни топширишга эса коллежимиз раҳбари Агрепина Шиннинг иш фаолиятига уйғонган ҳавасим сабаб бўлди. Чунки у менда ҳам раҳбар, ҳам намунали оила бекаси сифатида катта таассурот қолдирган эди.

Хуллас, 2010 йилда университетга ўқишга кирдим. Орадан икки ой ўтгач, қувончим икки ҳиссага кўпайди. Сабаби, мен Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси томонидан таъсис этилган «Таълим грантлари дастури» соҳибаси бўлдим.

— Оилангизда фарзандлар тарбияси кўпроқ кимнинг зиммасига тушмоқда?

— Албатта, фарзандлар тарбияси ҳозирча кўпроқ тумуш ўртоғим зиммасида. Она сифатида улардан хавотир оламан, лекин бахтимга турмуш ўртоғим жонимга аро киради. Иш, ўқишдан уйга қайтганимдан сўнг ҳаммаси жойига тушиб кетади. Аёл киши ҳам оилани, ҳам ишини уддалай олишига ишонаман. Бунинг учун кишидан кучли ирода ва масъулият талаб этилади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишим жоизки, оилада тинчлик ва мустаҳкамликни таъминлашда, фарзандларни тўғри тарбия қилишда ота-онанинг олий маълумотга эгалиги катта аҳамиятга эга.

Ҳа, шубҳасиз, аёл киши бир қўли билан бешикни, бир қўли дунёни тебратишга қодир буюк хилқат. Зеро, Мафтуна ва Элнора каби ҳар бир ишда фаол, интилувчан қизларимизнинг ўз оиласига бўлган чексиз хурмати, садоқати таҳсинга сазовордир. Улардан бўлғуси оила бекаларимиз, қизларимиз ўрнак олсалар арзийди. Юртимизда намунали ва мустаҳкам оилалар кўпаяверсин, фарзандларимиз эса ҳар жиҳатдан етук бўлиб вояга етишсинлар.

Феруза АЛИҚУЛОВА

Ишбилармонлик

БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖИ

эл-юрт дастурхонини сервитамин, сероқсил маҳсулотлар билан тўлдирибгина қолмай, сув ҳавзаларининг тоза, мусаффо сақланишига ҳам хизмат қилади

Она табиатнинг ажойиб неъмати ҳисобланган балиқ дунё экотизимида муҳим роль ўйнайди. Яна бир эътирофга молик жиҳат — балиқ гўштининг инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали эканлиги, кўплаб микроэлемент ва витаминларга бойлигидадир. Уларнинг айримлари бошқа ҳеч қайси маҳсулот таркибида учрамаслиги «луқмаи ҳалол»нинг қимматини янада оширади.

Дарҳақиқат, шифокорлар бир қатор хасталикларни даволашда балиқ гўштини тикловчи озуқа воситаси сифатида тавсия этиши бежиз эмас. Негаки, балиқ ўзида инсон саломатлиги учун ўта зарур элексирларни сақлайди. Уларнинг доимий равишда етарли бўлиши эса инсоннинг ақлий-интеллектуал коэффиценти ошишини таъминлайди.

Балиқ гўшти таркибида кальций, магний, фосфор, айниқса, инсон организми учун ниҳоятда зарур ва фойдали бўлган йод моддалари мавжуд. Ёғида эса холестерин моддаси кам. Бу атеросклероз касаллиги келиб чиқиши эҳтимолини камайтиради. Мутахассисларнинг 40 ёшдан ошган инсонларга мунтазам равишда балиқ ёғидан истеъмол қилиб туришни тавсия қилишларига сабаб балиқ маҳсулотларини меъёрида тановул қилган кишилар ўртасида, юқорида айтганимиздек, инфаркт, инсульт, склероз каби хасталикларга чалиниш ҳоллари кам кузатилади.

Дунё олимлари балиқ истеъмол қилиш орқали инсон организмида рўй берадиган ижобий жараёнлар ҳақида бир қарашда ғаройиб туюладиган тажрибалар ўтказишган ва ундан-да ғаройиброқ хулосаларга келишган. Мисол учун, Маврикияда узоқ йиллар давомида олиб борилган кузатишлар натижалари 3 ёшидан бошлаб мунтазам балиқ гўштини тановул қилган инсонларнинг жиноятга қўл уриш эҳтимоли "балиқ билан чиқишмайдиган"ларга нисбатан 64 фоизга кам бўлишини кўрсатган. Тадқиқот муаллифлари бу қарашга балиқ гўштининг инсон мияси ва асаб тизимига ижобий таъсири туфайли кишида хотиржамлик ҳамда ҳаётга қониқиш ҳисси билан қараш туйғуси шаклланишини, балоғат ёшидаги ўтиш даврини деярли салбий ўзгаришларсиз ўтказишини илмий асос сифатида келтиришган.

"Луқмаи ҳалол"нинг инсон саломатлигига ижобий таъсири кейинги навбатда энг "меҳнаткаш" аъзомиз — юракка тааллуқли. Олимлар дастурхонида балиқ кўп "меҳмон" бўладиган инсон тўсатдан рўй берадиган юрак хуружларидан сезиларли фарқ билан ҳимояланишини таъкидлашади. Ҳафтасига 5 марта балиқ билан "кўришадиган"ларнинг инсультга йўлиқиш хавфи 54 фоиз, ҳафтасига 2 марта истеъмол қиладиганларда 27 фоиз, ойда уч марта балиқ ейдиганларда эса 7 фоизга камаяди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунё сувликларида 30 мингга яқин балиқ турлари яшайди. Уларнинг энг кичигининг узунлиги 7,9 миллиметрни, энг йирикларининг узунлиги эса 13,7 метрни ташкил этади. Эътиборлиси, бу ажойиб мавжудотни энг баланд тоғлардаги сув ҳавзаларида (денгиз сатҳидан 6000 метр баландликда) ҳам, дунё океанлари қаърида (11034 метр чуқурликда) ҳам учратиш мумкин.

Мамлакатимизда балиқчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида муайян чора-тадбирлар белгиланиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида республикада балиқ етиштириш ҳажми ошиб, аҳолининг унга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришга эришилмоқда. Албатта, бунда соҳанинг давлат монополиясидан чиқарилиб, хусусий тадбиркорлик субъектларига топширилгани — балиқчилик корхоналари ва фермер хўжаликларининг ташкил этилгани муҳим ўрин тутганлигини алоҳида қайд этиш ўринли.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир қатор қарорлари балиқчилик тармоғини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида юртимизда балиқчиликни янада ривожлантиришга ҳамда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган бир қатор вазифалар белгилаб берилган. 2011 йил 1 мартда тасдиқланган "2011 йилда Республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш мақсадида эса мамлакатимиз сув ҳавзаларида балиқларнинг 81 тури (шундан саноат аҳамиятига эга 11 тури) парвариши кенг йўлга қўйилди. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Наманган, Тошкент, Самарқанд вилоятларида катта натижаларга эришиляпти. Биргина Тошкент вилоятида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сўзимизнинг яққол тасдиғидир.



Вилоятда балиқчилик хўжаликларини зарур техник восита ва жиҳозлар билан таъминлаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, уларга кредитлар ажратиш борасида эътиборга молик ишлар қилинмоқда. Натижада йилдан-йилга балиқчилик билан шуғулланувчи субъектлар сони кўпайиб, маҳсулот етиштириш салмоғи сезиларли даражада ортиб бормоқда. Масалан, 2010 йилда вилоятдаги мавжуд 64 та балиқчилик корхонаси ва фермер хўжалигида 1424 тонна балиқ етиштирилган эди. Ўтган йили 40 та янги хўжалик ташкил қилиниб, 3392 тонна маҳсулот олинди. Жорий йилда эса аҳолига 7500 тонна маҳсулот етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли жон бошига балиқ истеъмол қилиш кўрсаткичининг яхшиланишига ҳам эришилмоқда. Агар 2010 йилда аҳоли жон бошига 536 грамм балиқ истеъмол қилиш тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 1,2 килограммни ташкил этмоқда. 2012 йилда мазкур кўрсаткични 2,7 килограммга етказиш кўзда тутиляпти.

— Мамлакатимизда биз каби фермерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, — дейди Зангиота туманидаги «Эшонхўжа ота» фермер хўжалиги раҳбари Зоир Тожиев. — Яратиб берилаётган қулайлик ва имкониятлардан фойдаланиб, хўжалигимизда боғдорчилик қатори балиқ кўпайтириш ва етиштиришни ҳам йўлга қўйганмиз. Ўтган йили меҳнатларимиз самараси чакки бўлмади. 7,1 гектар майдондаги сунъий ҳавзаларга қарийб 10 минг дона балиқ чаваги ташлаб, халқимизга 12 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб бердик. Шу ўринда, фаолиятимизни ривожлантириш ва имтиёзли кредит олишда, омухта ем маҳсулотлари сотиб олишимизда давлат солиқ хизмати ходимларининг кўмаги катта бўлаётганлигини эътироф этмоқчиман.

Дарҳақиқат, ҳудудда соҳани ривожлантиришга вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тузилмалари муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, давлат солиқ органларининг бевосита ёрдами билан сўнгги бир йил мобайнида интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослашган 14 та хўжаликда 78 та бассейн ташкил этилди. Юқоричирчиқ ва Қибрай туманларида 12 тадан, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларида 8 тадан, Бўстонлиқ туманида 10 та, Қуйичирчиқ туманида 6 та, Пскент туманида 4 та бассейн ишга туширилди. Бу, ўз навбатида, самарадорликнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Бинобарин, интенсив усулда (бассейнларда) балиқ боқиш катта самара беради. Аниқроғи, бундай сунъий ҳавзадаги 1 куб-метр сувда кучли озиқлантириш йўли орқали 50 килограммгача балиқ етиштириш имконияти мавжуд бўлади.

— Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, парҳез гўшт маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда балиқчилик тармоғи алоҳида ўрин тутади, — дейди вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими Исмоилхўжа Саидкамолов. — Ҳозирги кунда вилоятимиздаги балиқчилик корхоналари ва хўжаликларида сазан, судак, лаққа, оқ амур, оқ дўнгпешона, карп, фарель сингари 7 турдаги балиқлар парвариш қилинмоқда. Жорий йилда балиқ етиштириш ҳажмининг янада ошиши кутилмоқда. Табиийки, бу маҳсулотни истеъмолчиларга сифатли, талаб даражасида етказиб бериш борасидаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда тирик балиқлар сотишга мўлжалланган янги савдо шохобчаларини ташкил этиш ва май ойига қадар ишга туширишни белгиланган. Бу юмушлар "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси томонидан амалга оширилади. Айни пайтда эса вилоятдаги 17 та деҳқон бозори ҳудудида ва Қибрай туманида махсус ажратилган жойда балиқ сотиш йўлга қўйилган.

Маълумки, ҳар қандай соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ютуқлар омили ҳисобланади. Вилоятда бу борада ҳам муайян ишларга қўл урилмоқда. Яқинда Ўртачирчиқ туманидаги "Голден Фиш Групп" корхонаси томонидан Хитойдан 30 минг АҚШ доллари ҳисобига гранулланган омухта ем тайёрловчи ускуна олиб келинди. Ҳозир мазкур технологияни ўрнатиш ишлари олиб бориляпти. Маҳаллий хомашёдан бир кунда 2,5 тонна озуқа ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу ускуна шу йилнинг май ойида ишга туширилади. Ана шунда интенсив усулда балиқ етиштириш ҳажми янада ошади. Дарвоқе, корхонадаги бассейнларда "Африка соми" ва фарель балиғи чавақлари парваришланмоқда.

Бундан ташқари, чет эл технологияси асосида солиқ ходими кўмаги билан ушбу корхона томонидан Россияда табиий кўлларда балиқ етиштиришда фойдаланиладиган "Садок" мосламаси 360 миллион сўмга олиб келиниб, вилоятдаги "Тошкент сув омбори" ва "Қоронкўл" кўлига жойлаштирилмоқда. Ушбу мосламанинг шу йилнинг май ойида ишга туширилиши белгиланган. Бу иш амалга оширилса, қўшимча 160 тонна балиқ маҳсулоти етиштириш имкони яратилади.

Худди шунингдек, Янгийўл туманидаги "Янгийўлбалиқ" питомнигида 160 миллион сўм маблағ эвазига 28 та сунъий бассейн қурилиши давом этмоқда. Қўшимча 150 тонна балиқ етиштириш имконини берадиган ушбу бассейнлар май ойида фойдаланишга топширилади.

Вилоятда балиқ етиштириш ва истеъмол динамикаси





Камол АЛЛАЁРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда тайёрланди.

Соҳа фаолиятидан

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат

Касбий малака, маданий савия тарбияси

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши муросасиз курашишда ички ишлар профилактика инспекторларининг самарали фаолияти муҳим ўрин тутади.

Жорий йилнинг 1 февралидан 4 мартига қадар Республика ИИВ Академияси ҳарбий дала полигонида 400 нафар профилактика инспектори ўз касбий билим ва маҳоратини оширди. Шу муносабат билан Академияда битирув маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ИИВ раҳбарияти, вазирлик таркибидаги бош бошқарма ҳамда олий ўқув муассасалари бошлиқлари, Академия профессор-ўқитувчилари ва бўлғуси профилактика инспекторлари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, Академия ҳарбий дала полигонида олиб борилган бир ойлик ўқув йиғинидан кўзланган асосий мақсад профилактика инспекторларининг тажриба, билим ва амалий кўникмаларини оширишдан иборат эди. Ушбу мақсадга эришилди ҳам. Ўқув машғулотларининг барча турлари, жумладан, маъруза, мунозара, амалий ва жисмоний, жанговар тайёргарлик машғулотлари, соҳага оид хизматларнинг тажрибали раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилди. Шу билан бирга, маъруза заллари, ўқув методик хоналар, нишонга уриш тири ва спорт заллари уларнинг ихтиёрида бўлди. Дала ўқув масканида улар билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, зарур ҳолларда тиббий хизматдан фойдаланиш, кундалик таъминотлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Ўқув дастурига асосан тингловчиларга ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, касбий билимларни эгаллашлари учун машғулотлар ўтказилди. Мустақил тайёргарлик соатларида вилоятлардан келган профилактика инспекторлари ўзаро фикр алмашиб, аҳоли билан ишлашда илғор тажрибаларни ўртоқлашиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, битирувчилар малкаларини оширишлари, янги қонунлар, ИИВнинг меъёрий ҳужжатларини ўрганишлари учун зарур қўлланмалар, турли мавзудаги адабиётлар билан таъминланди.

Дам олиш кунларида эса таниқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар, шунингдек, фан арбоблари, ИИВда узоқ йиллар хизмат қилган фахрийлар билан учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида битирувчиларга сертификатлар тантанали равишда топширилди. Машғулотларда ўзининг билимга чанқоқлигини, топшириқларни ўз вақтида, сифатли бажариш қобилиятига эгалигини, касбий кўникма ва тажрибаларини оширишга фаол интилишини амалда кўрсата олган ва шунга кўра якуний назоратларда аъло баҳо олган 20 нафар профилактика инспектори Ички ишлар вазирининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Жавлон РАҲИМОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бош инспектори

Матонат соҳибалари

Бугун хотин-қизлар турмушнинг барча соҳаларида эркаклар билан баб-баробар фаолият юритишмоқда. Айниқса, ички ишлар идораларида касбнинг барча машаққатларини мардонавор енгиб, фидойилик билан хизмат қилаётган матонатли аёлларни бугунги кунимиз қаҳрамонлари деб бемалол айта оламиз.

Ички ишлар вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасида ана шундай ҳамкасбларимиз фаолият юритишади. Улар чин маънода ўз соҳаларининг билимдон мутахассисларидир. Жумладан, бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник Наталья Муртазоева ички ишлар идораларида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Табиатан меҳрибон, очиққўнгил бу аёл ёш ходимлардан ҳам ўзининг беминнат ёрдамини аямайди. Билим ва тажрибасини ўртоқлашади, керак бўлса, маслаҳат беради, йўл-йўриқ кўрсатади.

Бошқармага юридик экспертизадан ўтказиш учун келиб тушаётган хўжалик шартномаларини ўрганиб, уларга юридик жиҳатдан тўғри баҳо бериш — ўзига яраша машаққатли юмуш. Буни яхши тушунган ҳуқуқ маслаҳатчиси Ойгул Аҳмедова ўзига юклатилган вазифани бажаришга катта масъулият билан ёндашади, ҳар битта хўжалик шартномасини ниҳоятда пухта ўрганиб, экспертизадан ўтказишга ҳаракат қилади.

Канцелярия бошлиғи лавозимида хизмат қилиб келаётган Людмила Фролова ўз касбига меҳр қўйган ходима. Бошқармага келиб тушаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида тегишли ходимларга етказилишини таъминлашга жиддий вазифа сифатида қараб келаётгани боис ҳамкасблари орасида катта ҳурмат ва обрў қозонган.

Аёл, аввало, уй бекаси, фарзандларнинг меҳрибон онаси сифатида ардоқланади. Эгнига ички ишлар идораларининг либосини кийиб, эл-юрт хизмати учун бел боғлаган жамоамиз аёллари ҳам ҳар қанча эъзозга лойиқ. Биз байрам арафасида юртимиздаги барча аёлларга, жумладан, ички ишлар идораларининг барча ходималарига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилаб қоламиз.

Сардорбек МЎМИНОВ,
ИИВ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори

Янгилик

Уйимизда чироқ ўчмайдиган бўлди

Ишдан уйга ҳорғин қайтдим. Эринибгина эшик қўнғироғини босдим. "Э-э, ишламаяптими?" Яна босдим. "Йўқ, жирингламаяпти. Чироқни ўчиришдимикин. Подъездда бор-ку..."

Уйга кира солиб сўрадим:

— Нега чироқ йўқ?

— Ўчириб кетишди. Ўтган куни огоҳлантиришганди. Ўша куни тўласак бўларкан.

— Узганига қанча бўлди? Қайтаман, дедими?

— Кейинроқ келаман, пулни тайёрлаб қўйинг, деди. Кеп қолар.

Шам ёруғида овқатландик. Болалар чироқ йўқлигига кўниколмай инжиқлик қилишди, соҳа инспекторидан эса дарак бўлмади. Ниҳоят, кечга яқин эшик тақиллади. Бориб очдим.

— Ака, фойдаланилган чироқнинг пулини тўлайсизми?

— Қанча бўлибди?

— 43400 сўм.

— Ошиб кетибдими?

— Ток печка бўлса керак-да.

— Ҳа, бор. У бўлмаса уй исимайди.

— Шунинг учун кўпайиб кетган-да.

— Ярмини тўласам бўладими?

— Ҳаммасини бера қолинг. Яқинда карточкали электрон ҳисоблагич ўрнатамиз. Унга ҳудди мобиль телефонга тўлагандек олдиндан пул тўлайсиз. Қанча киловаттга пул тўласангиз, махсус карточкада қайд қилинади. Тўловингиз 20 киловаттдан кам қолса, у огоҳлантирувчи овоз чиқаради.

— Уни ўрнатиш учун ҳам пул тўлаймизми?

— Хавотир олманг, текин ўрнатамиз. Ўз ҳисобимиздан...

Нима ҳам қилардим, болалар қоронғуда ўтирмасин деб айтилган суммани тўладим.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтди. Назоратчи айтганидек, янги ҳисоблагич ўрнатиб кетишди. Чиндан ҳам 3-4 кундан сўнг белгиланган лимит тугади, шекилли, ҳисоблагич "пулни тўланг, ўчаман" дегандек огоҳлантирувчи овоз чиқара бошлади. Ўчиб қолмасин деб, тезда карточкага пул ташлашга югурдим. Уйга келиб карточкани ҳисоблагичга тиқиб, қўшимча олинган лимитни юкладим. Бирпасда рақамлар ўзгариб, ҳисоблагичнинг овози ўчди.

Ҳа, янги ҳисоблагич анча қулай экан. Ўз имкониятингиздан келиб чиқиб пул тўлайсиз. Қачон ўчишини биласиз. Эшигингизни биров тақиллатиб келмайди. "Қарзим бор, чироғимни ўчириб кетмасмикан?" деган хавотирга ҳам бормайсиз. Хоҳланг тежаб, хоҳланг бирдан ишлатинг, ихтиёрингиз. Пулини тўлаб қўйсангиз бас. Энг асосийси, пулинг кетгандан сўнг ўз-ўзидан тежамкор бўлиб қоларкансан. Тағин кузатишимча, олдиндан тўлов ҳамма учун ҳам қулай. Йиллаб ёки ойлаб қарзлар йиғилмайди. Агар тўпланиб қолган қарз катта суммани ташкил этса, ҳар ким ҳам тўлашга қийналади. Олдиндан тўлов эса кишини қарз деган юкдан озод қилади.

Хуллас, мана шунақа гаплар. Аввалига бироз тушунмагандим. Мана, уч ойдирки, электр токи бўйича муаммо йўқ.

Қизим ҳар тонг мени ишга кузатаркан сўрайди:

— Дада, энди чироқ ўчмайдими?

Мен эса унга ишонч билан жавоб бераман:

— Йўқ, бизнинг уйда энди ҳеч ким чироқ ўчмайди!

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

МАТБУОТ ЭЗГУ ИШЛАРДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

(Бошланиши 1-betda.)

— Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган навбатдаги ислоҳотлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларнинг том маънодаги эркинлигини, мустақиллигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали уларни бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида такомиллаштириш олдимизда турган долзарб вазифадир, — деди у ўз сўзида.

Конференция ташкилотчиларидан бири, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов ўз маърузасида кун тартибидаги масалаларнинг, аввало, жамиятда демократиянинг барқарорлашуви нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимлигига йиғилганлар эътиборини қаратиб, ОАВ ходимлари олдига қўйилган долзарб вазифаларнинг бажарилишида журналистларнинг касб маҳорати, бугунги кун талаблари даражасидаги тезкор фаолияти, таҳририятлар моддий-техник базасининг мустаҳкамлиги, ижодий муҳит барқарорлиги ва яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш каби омиллар ҳақида фикр билдирди.

— ОАВ соҳасининг энг муҳим ва долзарб масалаларини қамраб олган ушбу анжуман қадимдан юртимизнинг илм-фан, маданият ва ижод марказларидан бири саналган Фарғона заминида ўтаётгани бежиз эмас, — деди Ш.Ғуломов. — Бугунги кунда вилоятда 75 та газета, 8 та журнал, 7 та телестудия ва 3 та радиоканал, жами 93 та ОАВ фаолият олиб бораётгани, уларнинг катта қисми нодавлат ОАВ экани фикримиз далилидир. Эътироф этиш керакки, вилоятдаги аксарият газеталарнинг тиражи бошқа вилоятларда чоп этилаётган нашрларга нисбатан анчагина кўп. "Фарғона ҳақиқати", "Истиқлол йўли", "Давр овози", "Водил ёғдуси", "Марғилон ҳақиқати", "Янги Фарғона", "Қува ҳаёти" каби газеталар рангли бичимда нашр этилмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодини рағбатлантириш борасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари кўп марта таъкидлаганидек, бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараларини эътироф этган ҳолда хали соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш жоиз. Хўш, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятида қандай камчиликлар кўзга ташланяпти? Бу ҳақда сўз бораркан, биринчи навбатда «Халқимиз газета-журналлар саҳифалари, радио-теледастурларда ўзи кутган ва ўзига керак бўлган материалларни кўряптими?» деган савол туғилади. Афсуски, бу саволга тўлақонли "ҳа" деб жавоб қайтариш қийин. Бунинг, бизнингча, бир нечта сабаблари мавжуд. Масалан, оммавий ахборот воситаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш масаласини олайлик. Бу масала, айниқса, мамлакат ҳудудларида долзарб эканини яхши биламиз. Бу ҳақда тўхталганда, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси томонидан ҳудудий ОАВнинг ходимлари малакасини ошириш, уларнинг замонавий билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини қайд этган ҳолда, таҳририятларнинг ўзлари ҳам бу борада ташаббускор бўлишлари мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, имкон даражасида журналист кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлари билан алоқа боғланса, талабалар таҳририят фаолиятига жалб этилса бу фойдадан холи бўлмасди. Умуман ҳар бир таҳририят ўз маҳорат мактабига эга бўлиши лозим. Бу таҳририятлар учун ўзига хос база бўлиб хизмат қилади.

Яна бир масала муассисларнинг таҳририятларга эътибори билан боғлиқ. Бу масала босма ОАВда, айниқса, туман газеталарида долзарбдир. Мана, "Давр овози" каби туман газеталарини кўриб хурсанд бўласиз. Бироқ баъзи ҳокимликлар кундалик юмушлар билан овора бўлиб, бу муҳим ишга иккинчи даражали вазифа сифатида қарамоқда. Натижада газеталарнинг сифати пасайиб, адади камаймоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, туман ҳокимликлари ўз тасарруфидаги нашрлар учун масъулдир ва бу газеталар туман ҳаётининг юзи, ўзига хос кўзгуси ҳисобланади, деб сўзини якунлади Ш.Ғуломов.

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига тўла жавоб бера оладиган мустаҳкам миллий қонунчилик базаси яратилди. ОАВ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ўндан ортиқ мукаммал қонунларга таянган ҳолда, демократик талабларга ҳамоҳанг миллий ахборот макони шакллантирилди ва у тобора ривожлантириб борилмоқда. Фуқароларнинг ахборотни излаш, олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид эркинлик ва ҳуқуқларни амалга ошириш каби таркибий қисмларни қамраб олувчи ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси эндиликда Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосини ташкил этаётгани бежиз эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилишга тадрижий равишда, тизимли ва комплекс ёндашилмоқда. Шу маънода, Концепцияда илгари сурилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тайёрланаётган қонун лойиҳалари ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгилаш, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратишда юксак ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Анжуманда сўз олган депутатлар Концепция доирасида тайёрланаётган қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари хусусида йиғилганларга атрофлича маълумот бердилар. Қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари — Шуҳрат Деҳқонов, Дилбар Холиқова, Нуриддин Муродовларнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари", "ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг қонуний кафолатлари", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш — соҳа ривожининг муҳим омили" мавзуларидаги чиқишлари соҳа ходимларида катта таассурот қолдирди.

Таъкидландики, ахборот соҳасидаги кенг кўламлилик жамоат муносабатларига дахлдор, яъни фаолиятда бозор механизмларини ривожлантириш, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги принципларини амалга ошириш каби долзарб ва ўта муҳим масалалар таклиф этилган комплекс тадбирларда яққол ифодаланган. Ушбу чоралар глобал миқёсга эгалиги ҳамда ахборот соҳасини ривожлантиришга оид шароитларни тубдан янгилашга йўналтирилгани, ислоҳотларни тизимли равишда давом эттириш, жамият муносабатларининг кенг қатламини тартибга солиш характерида экани билан аҳамиятга молик. Бу эса давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутади. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий асослар шакллантирилмоқда.

Шунингдек, миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари, телерадиодастурларни тайёрлаш ҳамда узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича давлат дастури ижросини таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни давлат томонидан ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солиш, ОАВга танлов асосида давлат грантлари, субсидиялари, дотацияларини ажратиш, солиқ, божхона, ташқи фаолият бўйича имтиёзлар ва преференцияларни бериш ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Айни вақтда жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётган Концепцияда баён этилган тўртта қонун лойиҳасида ана шу каби устуворликлар назарда тутилгани, жойларда ташкил этилаётган тадбирларда соҳа ходимлари, мутахассислар, эксперт ва ҳуқуқшунослар билдираётган таклиф-мулоҳазалар асосида ҳар бир қонун лойиҳаси янада такомиллаштириб борилаётгани қўмита аъзолари томонидан қайд этиб ўтилди.

Ўз навбатида, ОАВнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва сиёсий модернизация жараёнларидаги аҳамияти, таъсири, масъулиятини ошириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланиши конференция иштирокчиларининг диққат-марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти бош мутахассиси Собиржон Шукуров "Сиёсий модернизация жараёнларида ОАВ олдида турган долзарб вазифалар" ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликда журналистлар учун белгиланган ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, ОАВ ходимининг касб одоби ва этикаси, жамоатчиликка тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналистик ихтисослашувнинг долзарб масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Бу борада журналистлар, айниқса, ҳудудий нашрларда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни оммага етказишнинг усул-услублари ҳақида етарли малака ва кўникмага эга бўлиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ҳозирги ахборот глобаллашуви жараёни мамлакатни ахборот хуружларидан муҳофазаланишини таъминлашда журналистлардан юксак касбий маҳорат, огоҳлик талаб этади. Мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича эришилаётган улкан ютуқларни холис ёритиб бориш, шунингдек, Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлиллар асосида халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказишда ОАВ олдида турган вазифалар ҳар бир журналист зиммасига катта масъулият юклайди. Яна шуниси муҳимки, ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шароитда, айниқса, глобал интернет тармоғи турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир пайтда, айрим ғаразли кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий қурол сифатида фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу боис, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этаётган бир пайтда мустақил онг ва фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга молик масаладир. Демак, ёш авлоднинг қалби ва онгида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, уларнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятини, асл сабабларини чуқур англаши, тўғри идрок эта олиши, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз қатъий дунёқарашига эга бўлишига эришиш даркор. Ёшларимизни турли кўринишлардаги маънавий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан асраш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда эса ОАВнинг масъулиятини ошириш устувор вазифага айланиши зарур.

Мамлакатимизда ОАВ соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши уларни янада либераллаштириш, эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, том маънода «тўртинчи ҳокимият»га айланишлари учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эътибор ва рағбатга жавобан ОАВ ходимлари ҳам давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтиришга муносиб ҳисса қўшмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳозирги «ахборот асри»да мамлакатимизни энг илғор демократик давлатлар сафига олиб чиқишдек стратегик мақсадни амалга ошириш, бу йўлда, табиийки, ахборот эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини янада кучайтириш, матбуотни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш муҳим аҳамиятга молик вазифалардан биридир.

Йиғилишда иштирок этган Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Акмал Пўлатов, республика нашрлари раҳбарлари, Журналистлар ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммаджон Обидов, Наманган вилояти бўлими раиси Раҳимжон Ирисов, "Андижоннома" газетаси бош муҳаррири Абдуғани Даминов, маҳаллий даврий нашрларда хизмат қилаётган ОАВ ходимлари ўз чиқишларида конференцияда кўтарилган масалаларнинг соҳа ходимлари иштирокида очиқ-ойдин таҳлил қилиниши, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг чинакамига ОАВнинг жамият тараққиётидаги ролини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадиоэшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини қайд этишди.

Конференция конструктив тарзда, савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар, таклиф-мулоҳазаларга бой тарзда, фаол ишчанлик руҳида ўтди. Унинг якунида муҳокама этилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилиб, қарор қабул қилинди.

Йиғилишдан сўнг мазкур конференция қатнашчилари янги таъмирдан чиққан ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган "Фарғона ҳақиқати" ва "Ферганская правда" газеталари таҳририятида бўлдилар. Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдилар.

Маълумки, муҳтарам Президентимизнинг «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида Фарғона шаҳрини замонавий шаҳарсозлик архитектураси талабларига тўлиқ жавоб берадиган, мукаммал шарт-шароитлар яратилган кўркам шаҳарга айлантиришдек ғоят эзгу мақсадлар назарда тутилган.

Янгидан барпо этиладиган муҳташам кошоналар — «Санъат саройи» ва амфитеатр, 20 минг ўринли стадион, кичик ва катта ҳалқа йўли, ўнлаб кўп қаватли турaржойлар, хизмат кўрсатиш, спорт-соғломлаштириш объектлари, дам олиш оромгоҳлари, хиёбон ва фавворалар, кенг, равон йўллар, кўркам кўприклар, замонавий ва қулай бозорлар, газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг мароми анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Улкан қурилиш ишларини бажараётган ишчи-хизматчилар билан дилдан суҳбатлар қурилди. Улар ҳали шаҳар тарихида бундай оламшумул воқеа юз бермагани, буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз шарофати, муҳтарам Президентимизнинг Фарғона ва фарғоналикларга кўрсатаётган юксак эътибори, ғамхўрлиги ифодаси экани фахр ва ифтихор билан сўзлаб бердилар.

Ўз мухбиримиз

Машрабжон Саримсоқов ва Шерзод Қорабоев олган суратлар

МАЪНАВИЯТ

«Олтин қалам» танловига

ЭНАЖОНИМ — КАЙВОНИМ

Бир умр ўқитувчилик қилган, ҳозир эса нафақадаги опанинг сўзларини эшитинг:

— "Ёзнинг ювиндиси қишга ошқатиқ бўлади", деб неча марта айтаман, барибир ўз билганларингдан қолмайсанлар, анови қўшни келин ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган залдорини териб олай демайди. Нуқул ўтган-кетганнинг изини томоша қилиб кунни кеч қилади.

— Энажон қаердаги чилдистондан қолган мақолларни айтиб юрасиз-а, кошки биз уларни тушунсак, — дейди унинг куйиб-пишиб гапиришини кўриб.

— Шу мақолнинг жони бор-ки, яшаб, айтилиб юрипти. Ундан кўра маъносини мендан сўра. Ёзнинг ювиндиси дегани, анови ҳеч қайсинг қарамай, парво қилмай ўтиб кетаётганларинг, тагига тўкилиб, ёрилиб, эзилиб ётган мева.

— Ўша мақолдаги "ошқатиғ"ингиз нимаси? — қизиқсиниб сўради қизи.

— Ошқатиқ, бу — уютқи. Ерталаб сариёғ ажратиш учун ҳамма қатиқни кувига солаётганингда ярим қошиқ-қина олиб қолишни эсингдан чиқарсанг, шу кунги сутларингни нима билан уютасан? Баъзи ўзини хотин ҳисоблаб юрган аёллар ерталаб шуни эсидан чиқаради-да, қўлига бўш пиёлани олиб, бутун қишлоқни айланиб ошқатиқ сўраб юради...

Ёзда мевалар тўкилиб ётгани билан кўп ёшларнинг иши йўқ. Ўша меваларни эринмай териб, қуритиб, қишда қайнатиб, дамлаб ичсаларинг кўзга суртгулик дармондори-ку. Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги мурватлари бўшаб, шовшаб қолган машинага ўхшайди, дармони йўқ, рангида қониям, фақат сайрагани тиллари бор... Саҳал мазаси қочса, дорихонага чопади. Дорини ичади-да, аёллар салонига югуради. Юзингга пардоз бергунча, миянга пардоз бер. Салонга кетаётган пулларингни қозон қайнатишга сарфла... Эй, қизим-ей, мен сизларга ўзларингга қараманглар, демоқчи эмасман, лекин ҳамма нарса эви билан-да. Биламан, бу гапларимни эшитиб, нима иши бор экан, ёшларнинг ишига аралашиб, деб, лабини бураётганлар ҳам топилади. Ўша лаб бургичларнинг уйида кўпинча ғурбат. Аёл киши тежоғли бўлмаса, рўзғорда барака учади, ундан кейин уйда ғиринг-ғиринг кўпаяди.

Кеча битта эркак хотинига ҳазил-чинни аралаштириб дебди:

— Икки-уч йилдан бери сени даволатаман деб, қанча пулим кетди. Барибир, шу инжиқлигинг шу инжиқлик, дармонингга дармон кўшилмади. Ундан кўра шу кетган пулларимга бошқа соғлом хотин олсам бўларди...

Ўша инжиқ хотиннинг танбаллиги ҳам бор. Мевалардан мураббо тайёрласа, улардан қоқи қилса, отини бошқа кўяди. Тубдан ақл бермаса, туртган ақл бўлолмас, дегани рост. Унга қолса, дастурхонидан қимматбаҳо конфетлар аримаса. "Культурний"-да. Ёнғоқ, майиз, тутқоқи, туршак, қовунқоқларини дастурхонга қўйишни эп кўрмайди.

Холанинг яна бир кўшнисиникида бутунлай бошқа манзара. Кўшни аёл олтмиш беш ёшлардан ошган. Юзини чертсангиз қон томади, тилидан эса бол. Юзининг оқи оқ, қизили қизил. Тинмайди. Ҳамма вақт чеҳраси очиқ, кулимсираб юради. Нега десангиз, у ўзининг қилган ишидан ўзи завқ олади. Қишлоқдан шаҳар жойга келин бўлиб тушган. Исми Рўзигул. Ж-ж-лаб гапиради. Ўз шевасида сўзлаши ўзига жуда ярашади. Уни бутун маҳалла яхши кўради, чунки Рўзигул опанинг ўзи ҳам ҳаммани ҳурмат қилади. Шунинг учун эл бўлиб кетган. Фарзандлари бир-биридан ақлли, меҳнаткаш, билимли. Келинларининг ками йўқ. Рўзғори тартибли, тутумли, тоза.

Яқинда шу опанинг бобойи оғриб қолди. Етмиш беш ёшлардаги бобо анча дард еди. Рўзигул опа бобойини шундаям яхши парвариш қилди-ки, асти қўяверасиз. Бобонинг кийим-кечакларига гард юқмайди. Хола ҳар куни ювиб, дазмоллаб кийгизиб қўяди. Тўртбеш хил мева шарбатларини қайнатиб, қаторлатиб қўяди. Кўнгли тусаган овқатини пишириб, чолига тутади. Шу ишларни келинлари ҳам кўнглидагидай бажаради, лекин Рўзигул опа бобойининг кўнглига қараб ўзи парвариш қилади.

"Қўша қаринглар" деган ниятнинг асл маъноси шу бўлса керак-да. Бемор кўришга, ҳолаҳволини сўрашга келган меҳмонларнинг дастурхонини эса келинларига ишонганидан уларга топшириб кўйган.

Бир куни опанинг кўшниларидан бири ҳазиллашди:

— Сизнинг эрингизча эр йўқми бу дунёда, бунчаям эркалатасиз, вой бў-ўй!

— Шу хўжамдан бири-биридан яхши, меҳрибон фарзандлар кўрдим, бир умр овзидан жомон гавини эшитмадим, соғайиб кетсин, бирга-бирга қарийик, деб эъзозлайман-да, қайтайин эса? Энди кексайганида кўнгнидагидай қорамасам, бувдойини олиб сомонига ўт кўйган бўламан-ку?

Қадимда момолар айтган кўшиқ бор-ку, менинг хўжам худди шу кўшиқдаги одамдинг ўзгинаси:

Жоналар жойлар даласи, (Баҳорда тиғиз очилган қизғалдоқзор)

Айтувли беклар боласи. (Таниқли, иззатли беклар боласи)

Бу гаплардан кўшнилар: чиндан ҳам хўжангиз айтувли беклар боласи, бунинг устига сиздай — бахмалдай хотини бор дейишди.

Рўзигул холанинг чоли оёққа туриб кетди.

Вақтини ҳеч қачон бекорга ўтказмайдиган хола мўлжалининг ҳисобини олиб бўлгач, сумалак учун асраб кўйган бугдойини ёйиб тозалашга тушди. Келинлари ишдан келгач, уларни ҳам ишга солди.

— Жонимнинг борида ҳамма ишди мен билан бирга қилишиб ўргансаларинг, ўзларингга фойда, — деди келинларига у. — Кўкламди ҳамма "жилик узди" даври дейди. Жовлик қиш ойларида қуруқ меваларди шарбатини ичган, баҳарда қирқ кунлаб сумалак, кўкатлардан ҳар хил овқатлар жеган одамдинг жилиги ҳеч қачон пуч бўмайди. Мен ҳайрон, шу жерга келин бўлиб тушиппан-ки, садағаси кетай, сумалак номигагина пиширилади. Биздинг қишлоқда кайвонилар навбати билан бугдой кўкартиришарди. Масалан, меникида пиширилиб, қишлоққа тарқатилаётган пайтда шу қишлоқ кайвониси ҳаммага эшиттириб айтарди, бирон ҳафта ёки ўн кундан кейин кимникида сумалак гавжум бўлиб пиширилишини. Ҳамманикида сумалак тугаёзган пайтда яна янги сумалак тарқатиларди. Ун, мой, ўтин олиб келган ҳар бир оила ўз тийишига тенг сумалакни уйига олиб кетарди. Ўша вақтаги қишлоқ аёлларининг қипқизил ранг-рўйи ойимлар

боққан ойнадай, ёйилиб оққан дайрадай эди.

Улар кўп ҳаракат қилишарди. Катта тоғораларда хамир муштларди, баркашдай нон жовишарди тандирга. Шўларди эсласам, ғайратим ичимга сиғмай кетади. Ҳозирги жошларимиздинг кўпчилиги кам қимирлаганидан, бор нерсани вақтида эплаб жемаганидан хом бўб ўсишган. Саҳалгина қўли ишга тегиб кетса, қора терга тушиб қолади. Женгил ҳаётга ўрганган...

Хола бугдой тозалаётган келинларига яна уқтира бошлайди:

— Кўнгниларингда мени жахши кўрасиларма, жомон кўрасиларма, билганларимди силарга билдиришим керак. Қариб бораяппиз, ҳамма ғаниматмиз.

Мен бугун бомдод намозини ўқиб бўғанимдан сўнг, эрта тонг кўнгнимда ўзимга қотти махсат қилдим: маҳалламизда ҳар ҳафтада янги сумалак пиширишди. Бу аввали маҳаллани ҳамжиҳат қилади, жашу қарини қимиллашга ўргатади.

Ухламасанг қобоқ — ёмон, жемасанг томоқ — ёмон, деган гап бор. Ухламасанг қобоқ ёмон дегани элимизда, уйимизда тинчлик, хотиржамлик бўсагина ухлаёласан, ухламаслик қомату қабоғингди йиқитади... Оллоҳга беҳисоб шукур, Ўзбекистонимизда тинчлик. Мен бу тинчликди давр эмас, даврон дегим келади. Жаннатдай Ватанда риску насибанг бисёр.

Айтишларинг мумкин, илгариги давр билан ҳозирги даврни солиштириб бўладими, ҳозир ҳамма ишда, ўқишда, деб. Тўври. Некин менга ўхшаганлардинг ҳаммаси қувватдан қоп, қариб қоғани жўк-ку? Ишлаганлар ҳам навбатиминан ҳар ўн беш кун, бир ойда хўжайиннаридан жавоб оса бўлади. Гап-гаштакларга, безанишга қатнашга товилған вақт сумалакка товилмай қоладими? Эркакларимиз ҳам қарашиб, ёрдамлашиб кўйишса, увол бўмайди. Тез-тез жам бўсак, бир-биримизди шунча яхши билиб бошлаймиз. Келин товишда ҳам қийналмаймиз.

Янги кўкламга эсон-омон етиб келаётганимиз шукрини қилиб, Ватанимиздаги тинчликдинг шукрини қилиб, париштадай момоларимиз пиширган асл сумалак тайёрлашди ташкил қимасам — асли алам! Ана шунда қадимги ўйин-кулгуларимиз, мақол-маталларимиз, беғараз ҳазилларимиз, кўшиқларимиз ҳам тикланади.

Ҳа, холамизнинг тўлиб-тошиб гапирган бу сўзларини эшитган, ҳавас ва ғайрат билан қилган ишларини кўрган одам:

Энажоним — кайвоним,
Кайвонидан ўтганим,

деб жондан суйиб, бағрига босиб кўришади.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Аёл мадҳи

(Қасида)

Аёл десам, ажиб ҳислар чўлғаб олар дилимни,
Аёл десам, гул-чечаклар безатгайдир йўлимни,
Аёл мадҳи булбул қилиб куйлатадир тилимни,
Ул кўкда ой, заминда гул, ошиққа ширин хаёл,
Қалбимизда, қонимизда, жонимиздадур, Аёл!
Юлдуз излаб кўкка боқманг, ёнимиздадур Аёл!

Магар аёл бўлмаганда, муҳаббат қайда эрди,
Шохларни ҳам тиз чўктирган нафосат қайда эрди,
Висол қайда, меҳр қайда, садоқат қайда эрди?!
Яхшиям, бор ул меҳрибон — юзи гул, сўзлари бол,
Қалбимизда, қонимизда, жонимиздадур, Аёл!
Юлдуз излаб кўкка боқманг, ёнимиздадур Аёл!

Оҳ, аёлсиз баҳорларни соғинарму кўнгуллар,
Ё боғ аро ишқ васфини куйлармиди булбуллар,
Баҳордан-да гўзалроқдир ул сочлари сунбуллар,
Меҳр нурин сочмоқликни ундан ўргансин ҳилол,
Минг шукрким, ҳар лаҳза, ҳар онимиздадур Аёл!
Юлдуз излаб кўкка боқманг, ёнимиздадур Аёл!

Волидам у, жисму жоним ичра ардоқлаб юрай,
Синглимдур у, бугдойзорлар кезиб, сўроқлаб борай,
Ёрижоним, кипригим-ла сочинг тароқлаб юрай,
Гулдек нозик кўнгилларга келмасин асло малол,
Қалбимизда, қонимизда, жонимиздадур, Аёл!
Юлдуз излаб кўкка боқманг, ёнимиздадур Аёл!

Аёл пойин олам-олам гуллар билан безайлик,
Севар бўлсак, то умримиз сўнггигача севайлик,
Қўл ушлашиб ишқу вафо боғларини кезайлик,
Шунда бизга кулиб боқар мангу бахт, мангу висол,
То ўлгунча қалбимизда, жонимиздадур, Аёл!
Юлдуз излаб кўкка боқманг, ёнимиздадур Аёл!

Зикрилла НЕЪМАТ

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ)

аёлларимиз ва қизларимизни
8 март — Хотин-қизлар байрами билан табриклайди

ҳамда қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:

«Баҳор»

Сақланиш муддати — 8 ой, фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан (8 ойдан) сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни ақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензиялангон.

Интизор лавҳалар

Сен баҳорни соғинмадингми?!

Баҳорни ким соғинмайди?
Баҳорни соғинмаган ким бор?
Рости, бу йилги баҳор жудаям соғинтирди, роса куттирди.

Бу курраи заминда биргина Ўзбекистонда тўрт фасл бир вақтда бошланиб, ўз фурсатида тугайди. Шундай жаннатмонанд юртда яшаш биз учун бахт, ифтихор. Зотан, бугун кўнглимизда, юрагимизда баҳорнинг нафаси, руҳияти қанот ёзмокда.

Инсон учун Ватан фаслларининг ёмони йўқ. Жаннатмакон диёримизнинг қаҳратон қишини ҳам, жазирама ёзию маъюс кузини ҳам бирдай — катта муҳаббат билан севамиз. Лекин, баҳор ўз мўъжизакорлиги билан кўнгилларимизни ошуфта этади. Шунинг учун бўлса керак-да, баҳорни наинки одамлар, балки бутун борлиқ ўзгача тараддуд, ўзгача интиқлик билан кутади.



ДЎСТЛАР ҒАНИМАТДИР...

Бу воқеага анча бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари боши эди, чамамда. Онажоним Олтиариқдаги Қизилтепа оромгоҳида дам олаётган эди. Ҳол-аҳвол сўрагани бордик. Чойхонада бир чўқим палов дамладик. Қозон олдида куймаланиб юрсам, бирдан таниқли ҳофиз Таваккал ака Қодиров пайдо бўлди-да, беихтиёр менга юзланди:

— Ҳой ука, қани кафтингни оч, ош тузини бир кўриб бер, — дея капгирни пуфлаб-пуфлаб, ош ширасидан томизди.

— Қандай?

— Аъло! — дедим сир бермай.

— Нима иш қиласан? — сўради Таваккал ака басавлат қоматини кўтариб.

— Газетада ишлайман...

— Зўр касбни танлабсан. Илойим, омадингни берсин, — у юзига фотиҳа тортди.

Баҳорни соғиниб кутган кезларда ана шу воқеа ёдимга тушаверади. Халқимизнинг суюкли ва ардоқли ҳофизи Таваккал Қодировнинг ширин муомаласи, майин табассуми кўз олдимда гавдаланаверади. Айниқса, баҳор ҳақида айтган хониши теле ва радиоканалларда қайта-қайта эфирга қўйиладики, бу оташнафас, оҳанрабо қушиқ юртдошларимизнинг юрагини, қалбини, кўнглини сим-симидан янгиртириши, сеҳрлаши турган гап.

Фаслу навбаҳор бўлди,
Кетибон зимистонлар.
Дўстлар ғаниматдир,
Сайр этинг гулистонлар...

БИЗ ЯШАЯПМИЗ!

Умримизнинг яна бир баҳори бошланди. Яшаш завқли, юракларда ҳис-ҳаяжон гупирмоқда. Мен ёзиб, Сиз уни ўқиб, бошқалар бу ҳақда гапирган шу онларда ҳам умримизнинг бир лаҳзаси ўтиб бормоқда.

Машҳур Неллан Воллер: «Яшаш ҳаяжон берувчи ишдир» деса, таниқли рус адиби Достоевский: «Яшаш машаққат чекишдир» деб айтади.

Аслида, умримиз ҳисоб-китобли. У лаҳзалардан иборат. Бир кун 24 соатни, 1440 дақиқани, 86400 сонияни ташкил этади. Бир суткада ўртача 8 соат вақтимизни уйқуга сарф этсак, бу бир ойда 240 соат — 10 кунни, бир йилда 2920 соат — 121 кунни, ўттиз йилда 3652 кун — 10 йилни банд қилади. Ўйлаб кўрилса, инсон 60 ёшда 20 йилга тенг вақт ухлайди.

Мана, сизга ҳаётий факт: эрта турамиз, ишга отланамиз, уйқуга кетамиз, яна тонг оттирамиз. Хуллас, биз яшаяпмиз!..

Юртимиз тинч, Ватанимиз осуда, халқимиз уйғоқ ва сергак...

Умримиз баҳорига
интилиб яшаяпмиз!
Наврўзга интизор бўлиб
яшаяпмиз!
Хуллас, биз яшаяпмиз!...

СОҒИНЧ

Бу дунёда байрамлар кўп. Бир-биридан гўзал, файзли. Наврўз ана шулардан биттаси. Ўзига хос, ўзига мос. Ҳаммасидан бошқача. Неча-неча асрлар ўтибдики, бу байрам эъзозланиб, қадрланиб келади. Йил сайин эъзозига эъзоз, қадрига қадр қўшилади. Ростда, янгидан-янги файз, андоза, шакл-шамойиллар қўшилса қўшиляптики, камайгани йўқ. Ҳар сафар ўтган йилгисидан кўра яхшироқ, таъсирлироқ...

Она табиат ҳам баҳорни, Наврўзни орзиқиб соғинаётгандек. Февраль ойидаги қуёшли кунлар, офтоб, жонбахш шаббодалар шундан дарак беради. Юракларни қитиқлайди. Юрак безовта. "Бир тутам" кундуз, зилдай узун тунлар асирида кун санаб, баҳорни интиқ кутганимиз ортда қолди.

Аслида, баҳорни, Наврўзни кутиб яшашда ўзгача хосият бор.

Бу қандай хосият? Бу қандай каромат? Нега зўр, нега ажойиб? Чунки бу байрам ҳамма учун, ҳаммага! Барча бирдай яйрайди, қувнайди, севинади, бахтиёр бўлади.

Наврўзга атаб оҳорли янги бир кийим кийиш ёки совға қилиш, бир-бирига соғлиқ-омонлик тилаш қайси бир давлатда бор?! Ўйлаб кўринг, ёлғизларни ёлғизлатиб қўймайдиган, кам таъминланганидан, боқувчисини йўқотганидан ҳол-аҳвол сўраб борадиган удумлар қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетганки, бу олижаноблик, бу хайрихоҳлик, бу инсонпарварлик қайда бор?!

Яна айтаверсак... Наврўз, биз сени соғиндик, жуда соғиндик...

МУЗНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН ЯЛПИЗ

Сойбўйи қишлоғида Бақ-қакўл деган маҳалла бор. Дўппидек келади, кичкина. Шу масканда 80 ёшга кирган Олияхон момо яшайди. У маҳалладаги бир уй хотинларни ишонтирди.

— Чимёнда ялпиз музни ёриб чиқибди-я...

— Йўғ-ей, лоф қиласиз...

— Аввалига мен ҳам ишонмадим, — жиддий гапира кетди момо. — Келиним Турдихон сойга сув олгани бориб кўзи тушиб қолибди. Айтувди, ишонмадим. Ўзим атайин бориб кўрдим. Мана ҳозир...

У камзулининг чўнтагидан рўмолчасини олиб, уни авайлаб ёзди-да, икки-учта ялпизни кўрсатиб, деди:

— Мана, ман сизларни алдармидим...

Баҳор даракчиси, Наврўз элчиси — ялпиз қўлдан-қўлга ўтди, юз-кўзга суртилди...

КЎКАТ СОМСА ЕЙСИЗМИ?

Кечагидек эсимда. Баҳор келди дегунча сел зовур ёнидаги иккита катта ариқ бўйларида ялпиз терар эдик. Тўртта укам билан. Жаг-жаг, беда сингари шифобахш неъматларни ҳам қўшиб терар эдик. Бақир-чақир, ўйин-кулгу, қўшиқ хиргойи қилиш билан бир оламжаҳон масаллиқ билан қайтар эдик.

Онажоним — Иноятхон Маъмуржон қизи ялпиз сомсани шундай тез ва маззали пиширар эдики, асти қўяверасиз. Сахийлиги — жонни узиб берувчи эди. У битта нон устига тўртта ялпиз сомсани қўяр эди-да:

— Ма, ўғлим, Солия энанга бериб чиққин, савоб бўлади, — дерди.

— Сен Холмат опоқингга олиб кириб бергин, — деб тайинларди укамга. — Кейин Қумри катта бувинг, Фазилат кичик бувингга ҳам олиб кириб берасизлар.

Сўнг оиламиз жамулжам бўлиб, тўйгунимизча кўкат сомса ердик. Онажоним ҳатто нонуштамизга ҳам иссиқ-иссиқ сомса тайёрлаб берардилар.

Ўша кунларни эсласам, меҳнаткаш, кўнгли очиқ, қўли очиқ, содда онажоним (илоё, жойлари жаннатда бўлсин) сиймоси кўз олдимга келади.

«ЎРИК ГУЛИ» САЙЛИ

«Ўрик гули» сайлига чиққанмисиз!

Бу сайл Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида, Ҳувайдо боғида ўзгача нишонланади. Унда ёшу қари, қавму қариндош, оилавий жамоалар иштирок этади. Кўшиқ-рақс, карнай-сурнай, ўйин-кулгу, шеърхонлик, аския авж олади. Халқ лапари-ю алёрлар боғ-роғлар, қир-адирлар бағрини тўлдиради.

Қир-адирларга ўрнатилган қозонлар, қумғонлар бир ҳафта давомида тинмай «вақирлайди». Чалпак-қатлама, кўкат сомсалар ейишнинг бир гашти, бир хумори бўлади-да!

Тепаликдан, қир-адирдан оппоқ ўрик гули билан қоплангган қишлоқни кўриб, ўрикнинг Ватани Чимёнмикан, дейсиз?! Бу манзара шундай бир жаннати мўъжизаки, уни дунё тан олган ўша етти мўъжизасига ҳам тенглаштириб бўлмайди. Ишонмайман, дейсизми, унда Чимёнга келинг, «Ўрик гули» сайлида иштирок этинг.

БОЙЧЕЧАК БОДРАБ ЧИҚИБДИ

«Темирйўлчилар» сиҳатгоҳига кетаётиб, дала четида юрган фермер Валижон Мамадиевга кўзимиз тушиб қолди. У ҳам қўлини кўтариб ишора қилган эди, тўхтаб бир сўрашиб қўйгимиз келди.

— Жаноб фермер, э йўқ, бе йўқ «ивирсиб» юрибсиз, — дея ҳазиллашдик салом-аликдан сўнг.

— Фермерда тиним йўқ, — деди у. — Дала шийпонида 4 бош сигир, 4 бош ғунажин, 1 бош новвос, 100 тача товуқ бор. Уларни парваришлаб ётибмиз. Кейин шу дала четларини, ариқлар бўйини хомчўт қилиб турибман. 2 минг туп мевали, 5 минг туп терак кўчати эксам, дейман...

— Валижон фермерга гап йўқ!

— Ўтган йили 2 мингта терак кўчати экувдик, кўкарди. Экиб кўйиш керак экан. Ўзи баҳор ҳам келиб қолди. Ҳа, айтгандай...

У бошидаги дўпписини олиб, ундан авайлаб бир нарсаларни олди-да, фахр билан деди:

— Бойчечак!... Қир бағрига бодраб чиқибди... 80 гектар еримиз бўлса, яқин 40 гектари даштдан иборат. Буғдойзорлар кўкариб, яшилликка бурканяпти. Кеча бойчечак териб, 85 ёшли дадам Мамадали отага, 80 ёшли бувим Турғуной онага кўрсатдим. Ие, «бўғозим» чиқибдими, дея роса хурсанд бўлишди. Ёшлигимизда биз ҳам «бўғозим» дер эдик-да, бу бойчечакни.

Бироз кулишдик. «Ҳазрат Ҳувайдо» муқобил МТПсига қарашли «Чимён Қуйи Арча» фермер хўжалиги раҳбари Валижон Мамадиевдан баҳор элчисини олиб, юз-кўзимизга суртдик. Фермер ишларига омад тилаб, манзилимиз сари йўл олдик.

БИР ФАСЛ КЕЛЯПТИ...

Гўзалликка чорлайди баҳор,
Эзгулликка ундайди Наврўз...

2011 йилда Фарғонага ташриф буюрган Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан шаҳримизда тарихий бунёдкорлик ишлари бошланди. Бу ишларга давлатимиз томонидан 1 триллион 400 миллиард сўм маблағ ажратилиши жудда катта гап. Президентимиз ғамхўрлиги ва эътиборидан ҳар бир фарғоналикнинг кўнгли тоғдек пурвиқор, ғурури ичига сиғмайди. Ориятн осмонча бор!

Шаҳар кўчаларида, ҳар бир қишлоқда, маҳалла-кўйда ҳашар, озодалик, ободончилик... Боғ-роғларни тартибга солиш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, ҳовли-жойларни тозалаш, хонадонлар олдини озода қилиш, қабристонларда дарвешоналар ўтказиш, «Хотира» хиёбонлари, тарихий-маданий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларга эътибор қаратиш... Бундай хайрли амалларимизни американликлар билишмайди, воқиф бўлган хорижликлар эса ёқа ушлайди, лол қолади.

Баҳор барча гўзалликларни ҳадя этса, Наврўз эзгуликлар сари ундайди. Азиз биродарлар, унга пешвоз чиқайлик, унга тараддуд кўрайлик.

«БЎҒИРСОҚ»НИНГ БОЙЧЕЧАКЛАРИ

Фарғона туманидаги «Бўғирсоқ» номли боғчага тўрт ёшли неварам боради. Исми Нафисабону. Тили бийрон. Ўзи ҳам «эшма саранжом». Ҳар куни бир «янгилик» топиб туради.

Бир кун «Эртага пул, «взнос»ни берамиз экан», — деса, яна бошқа куни: «Ман қуёшни, оймомони чизиб келдим. Кўрсатайми?» — деб келади.

— Шеър ёдлаб келдим, айтайми? — деб келди у бир куни. Дадаси ишонқирамай айтишини сўради.

Бобоёнғоқ,
Ичи тўла ёғ.
Болаларга

Асал, қаймоқ.
Боғимизда
Ўсади у,
Қоп-қоп мева
Беради у.

Қарсак чалиб уни олқишладик. «Бойчечагингни кўрсат», деб қолди дадаси. Қизалоқ китобчасини топиб варақладида, ўтган йили олиб қўйилган, қуритилган бойчечакни олиб, юз-кўзига суртган бўлди. Кейин уй бурчагига бориб қаддини ғоз қилди-да, қўлида бойчечак билан шеър ўқий бошлади...

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айрондир.
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг вайрондир.
Қаттиқ ердан
қақираб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан
юмалаб чиққан бойчечак...

— Э-эй, яша!

Нафисанинг боғчага қатнаётганига эндигина бир йилча бўлди-ю, ўн битта шеър ёдлабди. Лотин ёзувидаги ҳарфларни ўрганишни бошлабди. Қўшиқ айтиши, рақсга тушишига гап йўқ. Боғчадаги ўртоқларини ҳавас билан санайди: Баҳромжон, Шукрона, Наврўза, Навола, Хумора...

— Боғчада сумалак солар эканмиз...

— «Ким чаққон, ким эпчил» ўйинини ўйнарканмиз...

— Бувижоним менга атлас кўйлак тикиб беради. Ойим эса сочимга лента, «толпопук» тақиб қўяди...

«Янгиликлар» кўпайиб кетди. Буларни ким айтди, десак, қизалоқ: «Боғча опамиз-да», дейди қувлик билан.

Биз фахр, ғурур ва ифтихорга тўламиз. Қаранг-а, тўрт ёшли қизалоқ байрамга шунчалик тараддуд кўряпти-я.

Қонимизда бор-да!..
Наврўз улуғ шодиёна-да!
Наврўз боқий байрам-да!

***

...Далаларда эса аллақачон баҳорги юмушлар бошлаб юборилган. Барака-хайр, ризқу рўз, бахту омад ёғилиши ана шу хайрли ишлардан бошланиши шубҳасиз. Дилгир, чапани, меҳнаткаш, ҳотам, мард, сахий ва саховатли одамларимиз бор бўлсин!

Қишлоқ ва маҳалла гузарларида қозонлар осилиб, чалпак ва қатламалар пишириляпти, кўкат сомса, ялпиз сомсалар тайёрланяпти. Аёлларимиз эпли, чаққон, оналаримиз дуога қўл очган. Зиёратгоҳ, қабристонлардаги дарвешоналар, ҳашарларни айтмайсизми? Инсонийлик, меҳр-оқибат, умргузаронлик рўёбда. Чунки қонимизда бор-да!

Мана, яна бир умримиз баҳорига етиб олдик. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. «Ўлмаган қул» баҳорга етишади, дегани шу бўлса керак. Зеро, баҳорда инсон юраги бир олам меҳру муҳаббатга, бир олам қувончу шодликка, бир олам хайрли эзгуликларга тўлиб-тошади.

Бу катта бахт. Ана шу бахт Сизга ҳам доим ошно бўлсин, азизлар!

Собиржон ДАДАХЎЖАЕВ

Мансура

Ватан — кўнгил мулки, фондир тандаги

Ватан нима?!

Бу саволга жавобни узоқ ўйладим. Йиллар давомида — яёв чоғда ҳам, уловнинг устида-да, хаёлимдан кетмади нари.

Тонг саҳар ҳузур-ла кўзимни очдим. Нонушта лаззатин туйдим шу хаёл билан. Фарзанднинг роҳатбахш кулгуси қадар дилбар ҳис қалбимга қуйилди шодон.

Ватан нима?!

Ватаннинг нелигин "Авесто"дан изладим, Спитамен хаёлига кирдим бир лаҳза, Бухорийнинг Ал-саҳиҳи-ю Термизийнинг йўлида толдим. Мангуберди саманин миниб, гир айланди кўнглим мулкида. Кўксимда бир оғриқни сездим. Темурмалик жим боқди ҳоли жонимга. Хаёлимда бобо Кубро отига қамчи босди: "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" дея ҳайқирарди унинг кўзлари!

Навоий ғазалларида, "Хамса"нинг ҳар бир варағида, "Бобурнома"да имон каби ардоқланган Ватанни кўрдим.

Авлоний, Фитрат, Беҳбудий, Чўлпон, Қодирийларнинг "Оҳ, Ватан!" дея чиқди сўнгги нафаслари ҳам!

Билганлар айтишдики, Ватан — ҳеч кимга берилмас ўлка, душманнинг оёғи қирқилган гўша.

Ватан — онадир, ота юртдир, ордир, номусдир, қомусдир, шарафдир-шондир!

Ватан — опа-сингил, акаукалар, қариндош-уруғлар, юртдошлар... Билсам, отамни, мени ва фарзандимни тебратган бешик, акам билан пойга ўйнаб кирар эшик экан Ватан!

Берилган жамики таърифлар таҳайюлимда гавдаланди, садо бериб, бир-бир ўта бошлади.

Ҳар бир таърифнинг-да ўзи бир олам.

Бироқ шу он оламлар жо бўлган кўнглим Ватанга берилган таърифларининг тугал эмас, дея қайта юзланди.

Буни сездим. Яна уни саволга тутдим:

— Ватан нима?!
— Бинафша!
— Ватан нима?!
— Илк гўша!
— Ватан нима?!
— Бешикдир!
— Биргина бешикми Ватан?!
— Ҳовли ҳам эшик!
— Ватан нима?!
— Аму билан Сир,
Зарафшон, Сурхон,
Оролдир яна!
Фарғонадир Ватан,
Гуллаган чаман!
— Ватан нима?!
— Она — меҳрибон!
— Онажон, сенмисан Ватан?!

Опажон, сингил?!
Ҳайқирди, кўнгил:
— Менинг мулкимдир уларнинг бари!
Сенинг ташбеҳингга сиғмаган Ватан?!

Нуриддин МУРОДОВ

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи:
Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 20

Адади: 12574 Буюртма — Г-355 1 2 3 5